УзССР Давлат китоб палатаси
Кн...
Гос. книжная палата УзССР
160596

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэлнинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида 8 май куни Тошкентда бизнес-семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, вазирликлар, идоралар, компаниялар, корпорациялар, уюшмалар раҳбарлари, шунингдек Туркия савдо-саноат доираларининг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов семинарни очар экан, мамлакатимизда ислоҳотлар қандай амалга оширилаётгани ҳақида гапириб берди. У икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар муваффақиятли ривожланаётганини таъкидлади. Республикамизда ўнлаб Ўзбекистон — Туркия қўшма корхоналари ва Туркия сармояси асосида ташкил этилган 20 дан ортиқ фирма ишлаб турибди.

Семинарни очиш маросимида сўзга чиққан Туркия-Ўзбекистон тадбиркорлик кенгаши раиси жаноб Тунч Улуғ турли соҳаларда икки мамлакат ҳамкорлиги ривожланаётганидан мамнунлигини изҳор этди. У савдо-саноат доиралари вакилларининг ҳозирги учрашуви ўзаро фойдали алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Бизнес-семинар расмий равишда очилганидан сўнг унинг иштирокчилари ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида, савдо ва бошқа йўналишларда ҳамкорлик имкониятларини ўрганиш мақсадида секцияларда иш бошладилар. Ўзбекистон ва Туркия савдо-саноат доиралари вакилларининг учрашуви иккала мамлакатнинг ўзаро фойдали алоқаларига янги уфқлар очади.

(ЎзА).

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

8 май куни Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳамроҳлигида Ўзбекистон Олий Мажлисига ташриф буюрди, Парламент депутатлари билан учрашди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов юксак мартабали меҳмонларни мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органига ташрифи билан қутлади.

Туркия Президенти Сулаймон Демирэл Ўзбекистон Олий Мажлисида нутқ сўзлади.

— Бугун ўтмиши, тили, маданияти ва маънавияти уйғун халқларимиз ўртасидаги алоқалар кун сайин ривожланиб бормоқда, — деди Президент Сулаймон Демирэл. — Ана шундай бир пайтда ўзбек халқининг фаровон келажаги учун хизмат қилаётган Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлари билан учрашувим менга алоҳида бир ғурур бағишлайди. Зеро, Ўзбекистон Парламенти ҳур ва демократик давлат қуриш, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида улкан ишларни амалга оширaётир.

Жумладан, Президент Сулаймон Демирэл мамлакатимиз Парламенти Россия Давлат Думасининг собиқ СССРни қайта тиклашга қаратилган қарорига кескин муносабат билдириб, тегишли қарор қабул қилганини юксак баҳолади. Бу қадам буюк соҳибқирон Амир Темур набираларига хос жавобдир, деди у.

— Президент Сулаймон Демирэл ҳар сафар мамлакатимизга кўплаб тадбиркорлар гуруҳларини олиб келган, — деди Президент Ислом Каримов учрашувда. — Бу сафар эса бир гуруҳ олимлар, маданият арбобларини ҳам бирга олиб келгани бизни жуда қувонтирди. Чунки, биз мустаҳкам мустақиллик биносини барпо этаётган бугунги кунда қардошларимизнинг маънавий мадади, қўллаб-қувватлаши кучимизга куч қўшади. Бундай кўмакнинг ўрнини бошқа ҳеч нарса боса олмайди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Туркия парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни янада равнақ топтириш, ўзаро доимий мулоқотни кучайтириш қардош халқларимиз манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

(ЎзА).

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 9 май, пайшанба № 56-57 (21.978).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТУРКИЯ АБАДИЙ ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК УЧУН АҲДЛАШДИ





СУРАТЛАРДА: 1. Президентларнинг Дўрмондаги учрашуви. 2. Икки томонлама ҳужжатларни имзолаш пайти.

А. ТЎРАЕВ ва Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Туркия Президенти Сулаймон Демирэлнинг мамлакатимизга расмий ташрифи иккинчи куни музокаралар, учрашувлар ҳамда воқеаларга ғоят бой ва самарали бўлди.

8 май куни Дўрмондаги қароргоҳда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркия Президенти Сулаймон Демирэл раҳбарлигидаги икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Президент Ислом Каримов музокаралар чоғида икки мамлакат халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади. Ўзбекистоннинг мустақил мамлакат сифатида жаҳонга юз очишида ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашда Туркия билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган ҳуқуқий шарт-шароитлар турк ишбилармонлари учун ҳам айни муддао бўлди. «Коч холдинг», «Язекс», «Ай сел» ва бошқа икки юзга яқин Туркия компания ва фирмалари енгил саноат, озиқ-овқат, машинасозлик, қурилиш соҳаларида ўзбекистонлик шериклар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб, икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошликнинг мустаҳкамланишига ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон Президенти мамлакатларимизнинг нафақат савдо-иқтисодий, балки илм-фан, маориф ва маданият соҳасидаги алоқалари ривожи ҳам қувонарли эканини қайд этди. Туркия Президентининг мамлакатимизга ташрифи барча соҳалардаги ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга кўтаришини айтди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон раҳбари мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни, шунингдек айрим минтақавий ва халқаро масалаларга тўхталди. Хусусан, БМТ минбаридан туриб Афғонистонга қурол-яроғни сотишни тақиқлаш тўғрисида билдирган таклифи кўпгина мамлакатлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳам маъқулланаётганини қайд этар экан, бу масалада Туркия Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашига умид билдирди.

Туркия Президенти Сулаймон Демирэл аввало, ота юрт аталмиш Ўзбекистонга ташрифидан мамнунлигини ва бу муқаддас заминда ўзига ҳамда Туркия делегациясига кўрсатилаётган ҳурмат ва меҳмондўстликдан миннатдорлигини билдирди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ўзга мамлакатларга намуна бўларли даражада муваффақият билан ривожланаётганини таъкидлади.

Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан олди. Унинг истиқлолидан ўзбек халқи билан бирга қувонди. Бугунги кунда Ўзбекистонда олтмишдан зиёд мамлакатдан 900 дан ортиқ фирма ва компаниялар Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётир. Туркия Президенти ана шу фирма ва компанияларнинг 200 га яқини Туркия компаниялари эканлигидан мамнунлигини қайд этди.

— Ўзбекистон халқи Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мустақилликнинг тўрт ярим йилида 20 йилда эришиш мумкин бўлган улкан муваффақиятларни қўлга киритди, — деди, жумладан Сулаймон Демирэл. — Ўз миллий давлатчилигининг барқарор асосларини яратди. Энди мустақилликни мустаҳкамлаш ва тараққиёт сари дадил одимламоқда. Биз Ўзбекистоннинг яқин йиллар ичида юксак ривожланган мамлакатга айланишига аминмиз.

Президент Ислом Каримов ва Президент Сулаймон Демирэл Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов ва Туркия экология вазири М. Тошар атроф - муҳитни муҳофаза этишда ҳамкорлик тўғрисидаги, Ўзбекистон давлат солиқ қўмитаси раиси Ш. Гатауллин ва Туркия давлат вазири А. Гўкдемир икки ёқлама солиқ олмаслик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларга имзо чекдилар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркия Президенти Сулаймон Демирэл журналистлар билан учрашдилар.

Юртбошимиз журналистларга икки мамлакат расмий делегациялари музокаралари натижалари ва имзоланган ҳужжатлар ҳақида маълум қилар экан, Ўзбекистон ва Туркия халқларини азалий қон-қардошлик ва дўстлик ришталари боғлаб турганини яна бир карра таъкидлади. Айни пайтда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, соғлиқни сақлаш, транспорт, спорт, туризм, террорчиликка қарши кураш ва наркотик моддаларни назорат қилиш соҳаларида ҳамкорлик қилиш борасидаги 30 дан ортиқ ҳужжат имзоланганини қайд этди.

Туркия Ўзбекистондан кўп миқдорда маҳсулот сотиб олаётган ўн мамлакатдан биридир. Ўзбекистон ҳам Туркиядан озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, автомобиль ва бошқа саноат маҳсулотлари харид қилмоқда. Шуниси қувончлики, 1995 йилда ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажми 1994 йилдагига нисбатан 75 фоиз ошиб, жами 280 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Мамлакатимизда Туркиянинг ўнлаб йирик компаниялари ўз ваколатхоналарига эгадир. Айни замонда Туркия ишбилармонлари Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармоялар миқдори 300 миллион долларга етгани қувончлидир.

Ўзбекистон раҳбари таълим ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик ривожига тўхталар экан, Туркияда ўзбекистонлик, Ўзбекистонда эса туркиялик талабалар таълим олаётганини, мамлакатимизда кўплаб ўзбек-турк лицейлари фаолият олиб бораётганини, санъаткорлар, олимлар ва ёзувчиларнинг ўзаро ташрифлари анъанавий бўлиб қолганини таъкидлади.

Ислом Каримов Туркия Президентининг мамлакатимизга бу галги ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар ҳақида гапирар экан, абадий дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартнома ғоят муҳимлигини, у амалда Ўзбекистон ва Туркия халқларининг мангу дўстлиги ва ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилишини айтди. Туркия Президенти Сулаймон Демирэл ўз мамлакати дунёдаги кўплаб давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида ҳужжатлар имзолаганини, аммо уларнинг ҳеч бирида Туркия ва Ўзбекистон ўртасида имзоланган ҳужжатдаги каби абадий дўстлик ва ҳамкорлик нияти қайд этилмаганини эътироф этди. Ўхшаши йўқ бу муҳим ҳужжат икки қардош халқнинг манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

Президент Сулаймон Демирэл Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан дастлабки икки кун бўлиб ўтган учрашув ва музокараларда икки мамлакат ўртасидаги коммуникация, транспорт алоқа тармоқлари муаммоси асосий мавзулардан бири бўлганини айтди. Туркия Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан Ўзбекистоннинг Грузиядаги Поти бандаргоҳи орқали Туркиянинг Қора денгиз бандаргоҳларига, улар орқали эса Европага чиқишига тарафдор эканини қайд этди.

Журналистлар Туркия Президентининг Россия, Белоруссия, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида имзоланган иттифоққа муносабати билан қизиқдилар. Президент Сулаймон Демирэл бу саволга жавобан кейинги пайтда собиқ империяни тиклаш йўлидаги айрим уринишлар нафақат Туркияни, балки барча Европа мамлакатларини ҳам ташвишга солаётганини таъкидлади. Умид қиламанки, деди жумладан, Туркия давлат раҳбари, Россия, Белоруссия, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида тузилган иттифоқ собиқ империяни қайтадан тиклаш йўлидаги ҳаракат эмас.

Туркиялик журналистлар абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳарбий ҳамкорликни ҳам ўз ичига оладими, деган савол билан Президентларга мурожаат этдилар. Президент Ислом Каримов ва Туркия давлат раҳбари ушбу саволга шартнома икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришни кўзда тутишини ва ҳеч бир учинчи давлатга қарши қаратилмаганини, шунингдек, ҳужжатда ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиш қайд этилмаганини алоҳида таъкидладилар. Туркия Президенти Сулаймон Демирэл шу ўринда Туркия Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таклиф этган, БМТ ҳамда кўплаб мамлакатлар томонидан маъқулланаётган Афғонистонга қурол-яроғ сотишни тақиқлаш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркия Президенти Сулаймон Демирэл журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам атрофлича жавоб қайтардилар.

Амирқул КАРИМ.
(ЎзА).

ТОШКЕНТ БИЛАН ТАНИШУВ

Туркия Президенти Сулаймон Демирэл Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий Миллий боғига ташриф буюрди.

Туркия давлат раҳбари ғазал мулки султони Мир Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

Боғда йиғилган шаҳар жамоатчилиги вакиллари ҳар икки мамлакат раҳбарларини олқишладилар.

Мамлакатимизда Туркия билан ҳамкорликда тузилган «Тошкўчавто» қўшма корхонаси кенг фаолият кўрсатмоқда. Мазкур корхона автомобилларни таъмирлаш, уларга замонавий техник хизмат кўрсатиш ва бевосита автомашиналар савдоси билан шуғулланади. Президент Сулаймон Демирэл қўшма корхона фаолияти билан танишар экан, мазкур корхонанинг келажаги порлоқ эканини таъкидлади.

Шу ернинг ўзида Самарқандда «Самкўчавто» Ўзбекистон — Туркия қўшма ширкатини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Туркия Президенти Сулаймон Демирэл ва мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Тошкент Биржа марказига ҳам ташриф буюрди.

Яқинда бунёд этилган мазкур марказ энг замонавий алоқа ва ҳисоблаш техникаси билан жиҳозлангани ҳамда ҳар жиҳатдан жаҳон андозаларига тўла жавоб бериши боис МДҲда ноёбдир.

Президент Сулаймон Демирэл ва унга ҳамроҳ бўлиб келган туркиялик ишбилармонлар Биржа марказига юқори баҳо бердилар.

Президент Сулаймон Демирэл ва Президент Ислом Каримов Биржанинг фахрли меҳмонлар китобига эсдалик учун дастхат ёзиб қолдирди.

Шу куни Сулаймон Демирэл туркиялик қурувчилар билан ҳамкорликда бунёд этилган «Тошкентленд» кўнгилочар боғига ҳам ташриф буюрди.

***

Туркия Президенти Сулаймон Демирэлнинг Ўзбекистонда бўлиши дастури доирасида унинг рафиқаси Назмия Демирэл хоним Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова ҳамроҳлигида Ўзбекистон Санъат музейини бориб кўрди. Бу ерда улар яқинда Францияда намойиш қилинган «Амир Темур ва Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва таълимнинг гуллаб-яшнаши» кўргазмасини, шунингдек, музейнинг амалий санъат ва Ўзбекистон замонавий рангтасвир санъати бўлимларини томоша қилдилар. Маҳаллий чеварларнинг ишлари Демирэл хонимда катта таассурот қолдирди. У айниқса ўзбек аёлларининг истеъдоди ва бадиий кашта санъатига юксак баҳо берди.

Сўнгра фахрли меҳмон пойтахтдаги Марказий кўргазмалар залида бўлади. Бу ерда намойиш қилинаётган архив материалларининг фотосуратлари ва Туркиянинг машҳур суратчи рассоми Эргун Чағатойнинг асарлари ўтмишни ҳозирги кун билан боғлаб тургандек — архивдан олинган деярли бир аср олдинги оқ-қора суратлар қаторида туркиялик моҳир суратчининг рангли ишлари намойиш қилинмоқда. Уларда ўша оқ-қора тасвирдаги ёдгорликлар, манзаралар ҳозирги кунда суратга туширилгандек таассурот уйғотади.

Шу куни Назмия Демирэл хоним республика Модалар марказида хотинқизлар кийимлари тажаммули намойишида ҳозир бўлди.

(ЎзА).

БУГУНГИ СОНДА:

2-бет
ТЕЛЕФОН ВА АСАБ

3-4 бетлар
«ҲАВАС» ТУРНИРИ БАЙРАМГА АЙЛАНДИ

5-бет
БУГУН — ҒАЛАБА КУНИ

6-бет
ЖАҲОН БОЗОРИДАГИ «ТИРИК ТОВАРЛАР»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Демократиянинг, конституциявий тараққиётни таъминлашнинг, қонунчиликка риоя этишнинг, инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳимоя қилишнинг ғоят муҳим муассасаси сифатида телерадиоэшиттиришни янада ривожлантириш, шунингдек унинг республикадаги туб иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишга таъсирини кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компанияси жойларда ҳудудий бўлинмаларига эга бўлган Ўзбекистон Телерадиокомпанияси (Ўзтелерадио)га ўзгартирилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси:

Давлат телерадиоэшиттириш компаниясининг ҳуқуқий вориси, Ўзбекистонда телерадиоэшиттириш соҳасидаги мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади ва ўз фаолияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериб боради;

жамоатчиликнинг оммавий ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун ташкил этилган юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик юритувчи мустақил субъект ҳисобланади;

оммавий ахборот воситаларининг муассиси, таҳририяти, тарқатувчиси ва ноширн ҳуқуқларига эга;

республика бюджетидан, шунингдек тижорат ва хўжалик фаолиятидан олинадиган маблағлар ҳисобидан маблағ билан таъминланади.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг ҳудудий (минтақавий) бўлинмалари:

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан таъсис этиладилар;

юридик шахс ҳуқуқлари билан Ўзбекистон Телерадиокомпанияси таркибига кирадилар ва ўз фаолиятини ҳудудий телерадиокомпания тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширадилар;

маҳаллий ва республика бюджетларидан, шунингдек тижорат фаолиятидан тушадиган маблағлар ҳисобидан маблағ билан таъминланадилар.

4. Қуйидагилар Телерадиокомпаниянинг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари этиб белгилансин:

ахборотларнинг мафкурадан мутлақо холи бўлишини назарда тутган ҳолда, аҳоли ҳамда жамиятнинг холисона, ҳаққоний ва хилма-хил ахборотларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш ва қониқтириш;

мамлакат аҳолисини, шунингдек чет эл жамоатчилигини Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар тўғрисида кенг хабардор қилиш;

мустақил давлатни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга жамоатчилик таъсирининг ортиб боришини таъминлаш, турли ижтимоий табақалар, сиёсий партиялар ва ҳаракатларни замонавий маданиятли жамият барпо этишнинг долзарб муаммоларини ошкора ва амалий муҳокама қилишга фаол жалб этиш;

мамлакатда конституциявий нормалар ва қонунчиликни чуқур тушунтириш, уларни рўёбга чиқаришга ва ҳуқуқий жамиятни барпо этишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

жамоатчилик фикрининг хилма-хиллигини акс эттириш, инсоннинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган эътиқодлар ва инсон қадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳурмат қилинишини таъминлаш;

республика ичкарисида ва унинг ташқарисида телерадиоэшиттиришларни юксак даражадаги одоб, аниқлик ва ҳаққоният мезонлари асосида ташкил қилиш ҳамда ахборотларни тарқатиш. Шафқатсизликни тарғиб қиладиган, инсон қадр-қимматини таҳқирлайдиган ёки одамларни уларнинг дини, миллий ва маданий белгиларига қараб ҳақоратлаш сифатида талқин этилиши мумкин бўлган материаллардан фойдаланишга йўл қўймаслик;

аҳолини фуқаролик жамияти қурилишига фаол жалб этиш, одамларни умуминсоний демократик қадриятлар ва миллий меросни ҳурмат қилиш, миллатлараро тотувлик ва дўстлик руҳида тарбиялаш, ёш авлодда юксак маънавий фазилатларни, Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқатни шакллантириш;

эркин бунёдкорлик меҳнати ва тадбиркорлик тажрибасини фаол тарғиб этиш, ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиёти вазифаларини рўёбга чиқариш борасидаги энг мақбул ва муқобил йўлларни излаб топишни рағбатлантириш;

телерадиоэшиттириш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, замонавий техника билан жиҳозлаш ҳамда кўрсатув ва эшиттиришларнинг илғор технологияларига ўтиш йўли билан дастурларнинг касб маҳорати даражаси ва сифатини ошириш, уларнинг жанр жиҳатдан хилма-хиллигини таъминлаш;

ҳудудий телерадиоэшиттириш бўлинмаларига амалий ёрдам бериш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

етакчи хорижий телерадиокомпаниялар билан иҳодий ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистонда уларнинг филиаллари ҳамда ваколатхоналари очилишига фаол кўмаклашиш.

5. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда, бюджетдан маблағ билан таъминлаш миқдорлари астасекин камайтириб борилишини ҳисобга олган ҳолда, компаниянинг 2000 йилдан бошлаб ўзини ўзи пул билан таъминлашга босқичма-босқич ўтишига оид таклифларни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тақдим этсин;

Молия вазирлиги ва Меҳнат вазирлиги билан биргаликда Телерадиокомпания ходимлари меҳнатини меъёрлаш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор шаклларига, яъни ходимлар меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдори телекўрсатув ҳамда радиоэшиттиришларнинг амалдаги ҳажмига, сифатига, жанрларига ва рейтингига боғлиқ қилиб қўйилишини кўзда тутувчи шаклларига ўтиш тўғрисидаги низомни икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, унинг корхоналари ва ташкилотлари хўжалик, реклама ҳамда бошқа фаолиятдан тушган фойдадан олинадиган солиқдан 2000 йилгача озод қилинсин ва бушайдиган маблағлар компаниянинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда, етакчи хорижий телерадио ҳамда бошқа компаниялар орқали жалб этиладиган замонавий алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда, телевизион кўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни мамлакатнинг барча минтақаларига тарқатиш бўйича умумдавлат дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттириш Давлат қўмитасини Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантириш тўғрисида» 1992 йил 7 январдаги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 7 май.

Якқама – якка

ТЕЛЕФОН ВА АСАБ

Телефон гўшагини кўтариб ўзингизга керакли рақамни терасиз. Алоқа бўлмайди. Яна бошқатдан уринасиз. Фойдасиз. Асабингиз телефон каби издан чиқади. Бу ҳолат Тошкент шаҳрида телефон хизматидан фойдаланувчи ҳар бир мижоз учун таниш.

Хўш, техника тараққиёти ривожланиб бораётган бугунги кунда нега телефонлар яхши ишламайди? Биз бу савол билан Ўзбекистон Республикаси алоқа вазири Тоҳир РАҲИМОВга мурожаат қилдик.

— Ўзбекистондаги телефон тармоғининг учдан бир қисми Тошкентда жойлашган. Ҳозир энг кўп шикоят ҳам пойтахтда тўпланяпти. Мазкур тизим собиқ совет даврининг 70 йили мобайнида ташкил топган бўлиб, асосан ерости мисли кабеллари орқали боғланган. Агар 70 йилда ўзаро боғланадиган 40 мингта канал таркиб топган бўлса, эндиликда бир йилда 40 минг канални вужудга келтириш мўлжалланяпти.

Транспорт харажатлари ошгандан сўнг юкнинг анча-мунча қисми телефонга тушаётганлиги сир эмас. Шу жиҳатдан телефон хизмати ҳажми 2—2,5 баравар кўпайди. Тошкентдаги телефонлар эса чегараланган меъёр лойиҳаси асосида қурилган. Гап шундаки, ҳайбаракаллачилик замонида, юқорига меҳнат зафарлари ҳақида рапорт ёзиш удумга айланган даврда кўп ишлар «сирти ялтироқ» қабилида битиб кетаверган. Масалан, 1000 та канал ўрнига 500 та канал билан ҳам станциялар ишга туширилаверган. Топшириқ бажарилдими — имзо чекиб кетилган, оқибатини ҳеч ким ўйламаган.

Хўш, айбни ўтмишдошларимизга тўнкаб ўтираверамизми? Албатта, йўқ. Ҳозирги пайтда станциялараро алоқани яхши йўлга қўйиш учун ҳаво орқали ишлайдиган радиолинияли жиҳозлар ўрнатиш чоралари амалга ошириляпти. Кейинги бир йилда бу борада анча-мунча ишлар бажарилди.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, совет даврида Ўзбекистонда битта ҳам алоқа ускуналари ишлаб чиқарадиган заводлар бўлган эмас. Бу йил шундай заводлардан иккитаси Урганч ва Тошкент шаҳрида қурилмоқда. Урганчдаги корхона қишлоқ жойларида ишлайдиган телефон станциялари чиқарса, Тошкентдаги завод станцияларни бир-бири билан боғлайдиган асбоб-ускуналар тайёрлайди.

Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб ҳаво орқали боғлайдиган станцияларни вужудга келтирмоқда. Бу юмушнинг ярмини Япония фирмаси, ярмини Германия фирмаси бажармоқда. Эндиликда 33, 44, 25, 73, 52, 70, 62 ва 37-станцияларни янги тизимга ўтказиш натижасида тахминан 80 мингта янги рақамли абонент ишга туширилади. Насиб этса, шундан сўнг пойтахт телефонлари ҳам рисоладагидек ишлаб кетишини кутмоқдамиз.

Шуҳрат ЖАББОРОВ суҳбатлашди.



Қарши шаҳридаги тиббиёт билим юрти яқинда ўзининг 50 йиллик тўйини нишонлайди. Бундан роппа-роса ярим аср илгари билим юрти ташкил этилиб, 31 талаба фельдшер- акушерлар тайёрлаш бўлимига қабул қилинган эди. Шундан бери бу даргоҳни 20 мингдан ортиқ талаба битириб чиқди.

Айни кунда билим юртининг кундузги бўлимида 1556 нафар, кечки бўлимида эса 236 нафар талаба шифокорлик сирларини ўрганишяпти.

СУРАТДА: билим юрти ёшлар қўмитаси деворий газетасининг навбатдаги сони тайёрланмоқда.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

МЕҲРИМИЗ ДУНЁЧА БОР

Ҳаётда ҳамма нарса бўлади: бугун соғ юриб турган одам эртага қарабсизки, бемор ёки ногирон. Айниқса турли сабаблар билан туғма ногирон бўлиб дунёга келганларни кўрганда дилимиз хира тортади, Яратгандан уларга сабр-қаноат тилашдан нарига ўтолмаймиз. Ваҳоланки, Ногирон кишиларнинг ўксик қалби ҳам ўй-орзуга тўла. Улар аввало тенгқурлари сингари соғлом бўлишни, бирор касбни эгаллаб, ҳаётда бекаму кўст яшашни исташади. Гоҳо бундай эзгу ниятлар рўёбга чиқади. Гоҳо...

Республикамизда ўзини-ўзи бошқарадиган, хайрия ташкилоти ҳисобланмиш Ногиронлар жамиятининг фаолият кўрсатаётганига кўп бўлгани йўқ. Муборак Ҳадислардаги «Жаннатнинг калити — мискин фақирларни севиш, бечораҳол кишига ёрдам беришдир», дейилган ақидага жамият аъзолари амал қилиб, ногиронларнинг ижтимоий ҳаётда фаол қатнашишлари учун кўмаклашиш, баҳоли қудрат меҳнатга жалб этиш, ижтимоий-маиший турмушини, уларнинг ҳуқуқлари манфаатларини ҳимоялаш сингари вазифаларни бажаради.

Ҳаёт тарзининг ўзгариши кўп нарсаларга янгича қарашни талаб этади ва бу жамият фаолиятига ҳам боғлиқ. Гап шундаки, ногиронлар ўзига мос ва хос ишга жалб этиларкан, қурилиш иншоотлари, корхона, ташкилотларда уларнинг ҳаёт тарзига мўлжалланган шароит яратиш лозим бўлади. Тўғри, бугунги кунда «Умид» тиббий-тиклаш маркази фаолият кўрсатяпти. Ота-оналар ва ногирон болаларнинг КРИДИ, «Гулшан» клублари мавжуд. Буюк Британиянинг «Болаларни сақланг» жамғармаси кўмагида бундай клубларни республикамизнинг барча ҳудудларида ташкил этиш мўлжалланган. Шунингдек, «Евросиё» жамғармаси, Бутунжаҳон «Меҳршафқат» корпуси, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, АҚШ сингари чет давлатларнинг турли соҳалар бўйича беминнат кўмаги ногиронлар соғлиғини тиклаш, уларни меҳнат ва касбга тайёрлаш, оилаларда ногирон болаларни ҳар томонлама ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш каби қатор масалаларни ҳал этишда қўл келяпти. Бироқ ҳали жамият олдида ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар жамияти ана шундай муаммоларни ҳал этиш, бозор иқтисоди шароитида ўзларининг бундан кейинги фаолияти асосий йўналишларини белгилаб олиш учун илк қурултойларига йиғилдилар. Унда ҳисобот маърузаси қилган жамият раиси Содиқ Убайдуллаев дастлабки беш йил анча қийинчилик билан ўтганини, шунга қарамай самарали ишлар қилинганини таъкидлаб, бундан кейинги вазифалар устида тўхталди. Қурултойда шунингдек, Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг янги Низоми қабул қилинди. Жамиятнинг бошқарув органлари сайланди. Марказий бошқарувнинг ташкилий пленумида Содиқ Убайдуллаев республика Ногиронлар жамияти раиси этиб сайланди. Қурултойда Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайрулла Жўраев қатнашди.

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РАИСЛАР БРИГАДИРДАН ЎРГАНДИ

Иқтисодиёт олами

Муҳаммадали Сатторов табиатан ижодкор, тинибтинчимас, изланувчан инсон. Бригадасидаги ғўзаларни бир текис ундириб, ғалладан бўшайдиган майдонларда узлуксиз пахта етиштириш билан шуғулланяпти. Жумладан, беш гектар буғдойзорлар кунасига чигит экиб ундириб олди.

М. Сатторов тажрибасини Тўрақўрғон тумани «Олтин водий» жамоа хўжалигига ташриф буюрган вилоятдаги хўжаликларнинг раислари ҳам ўрганишди. Шу куни бу ерда бўлиб ўтган маслаҳат-кенгашида ғўза ва бошқа деҳқончилик экинларига биринчи ишлов бериш йўл-йўриқлари, бошоқли дон парвариши, чорва озуқасини кўпайтириш ҳақида маслаҳатлашиб олинди.

Маслаҳат-кенгашни вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев олиб борди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚЎШ ҚУВОНЧ

Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи қурилишида иш қизигандан қизиб боряпти. «Ўзтрансқурилиш»нинг Когондаги 37-бош таъмирлаш-тиклаш участкаси йўлсозлари 1,4 километрли темир йўлни қисқа муддатда ётқизидилар. Энди қурилишга мўлжалланган юклар корхона ҳовлисига туширилади. Туркия ва франциялик мутахассислар технология жиҳозларини ушбу йўл орқали қабул қилиб олишяпти.

Темир йўлда манзил яқин бўлибгина қолмади, балки завод қурилаётган майдонга оқар сув ҳам олиб келинди. Бу ишни «Амубухороканалқурилиш» тренстининг 3-қурилиш-монтаж бошқармаси меҳнат жамоаси бажарди. Корхонага соғлом экологик муҳитга хизмат қилувчи 16,6 километрли оқар сув шохобчаси уланди. Бу анча қулай, ҳам арзон.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислоҳот ва масъулият

ТЕРГА БОТГАН РОҲАТГА БОТАР

Хўжалигимиз ҳудудида 14 минг киши истиқомат қилади. Бу дегани — ўн тўрт минг олам, — дейди Бухоро туманидаги «Маданият» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Муҳаммад Аҳмедов. — Улар қайси соҳада тер тўкмасин, ишлаб ўқимасин, ҳар бири хўжалигимизнинг ҳақиқий аъзоси ҳисобланади. Чунки шу ерда истиқомат қиляптими, бас биз уларга масъул, эътиборли ва меҳрли бўлишимиз керак.

Бултур «Маданият»лик пахтакорлар баракали хирмон уюшди. Жами 6480 тонна пахта етиштирилди. Режа 132 фоиз адо этилди. Уругликнинг «Бухоро-6» навидан 2,5 тонна пахтани ўз ҳисобига қолдиришди, шунингдек, 1161 тонна толага эга бўлдилар. Уни биржа орқали Болтиқбўйи мамлакатларига сотиб, тушган фойда ҳисобига Работи Миржон қишлоғи тўла газлаштирилди. Хўжалик хонадонлари 100 фоиз тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Ҳозир бу ерда уруғлик пахтани қайта ишлаш корхонаси қуриляпти. Келгусида ёғ-мой ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона барпо этишни ҳам режалаштирилган.

Хўжалик бошқаруви кўп қиррали фаолияти давомида юртбошимиз фармонлари ижросига бутун саъй-ҳаракатларини қаратяпти. Қувончлиси шундаки, қишлоққа кичик саноат кириб кела бошлади. Гарчи ҳали шаҳдам қадамлар билан бўлмаса-да, ҳар қалай, уринишлар озмикўпми, ўз самарасини беряпти.

Айни чоғда хўжаликда консерва заводи ишлаб турибди. Корхона 3 миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда 27 киши меҳнат қиляпти. Шунингдек, уй-рўзғор учун пластмасса идишлари ишлаб чиқарувчи цех ҳам ишга туширилган. Бундан ташқари, пойабзал учун тагчарм, хўжалик совуни ишлаб чиқарувчи ва пардозлаш цехлари, 2 та пишиқ ва хом ғишт тайёрловчи мўъжаз корхона, 2 та тикув ва тўқув, шунингдек, бир неча зардўзлик цехлари ҳам маҳсулот беряпти.

— Яқин вақт ичида, сутни қайта ишлаш цехини ишга туширамиз, — дейди Муҳаммад ака сўзини давом эттириб, — тиббиётимиз учун энг зарур момиқ-пахта, бинт ишлаб чиқариш ҳам режамизга киритилган. Мебель цехи барпо этиляпти. Ҳадемай ойига 200-300 та стул сотувга чиқа бошлайди. Чет давлатлар, чунончи, Россия билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатганмиз. Шартномага кўра, биз россияликларга консерва, лимон ва мева-сабзавотлар жўнатамиз,. Бунинг эвазига улардан ёғочтахта оламиз. Дарвоқе, хўжалигимизда пиллани қайта ишлайдиган цех шу йил кузида ишга тушади.

Биз кўп болали, кам таъминланган оилалар ва муҳтожларни моддий жиҳатдан қўллаб турибмиз. Ўнта болалар боғчаси хўжалик ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланмоқда. Мактабларимиздаги 1-синф ўқувчиларига бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Терга ботган роҳатга ботар, дейдилар. Бинобарин, ҳозир ишлайман деган раҳбарга ҳам, оддий меҳнаткашга ҳам барча имкониятлар яратиб берилмоқда. Хуллас, ишлаган қараб қолмайдиган замон келганлигини бизнинг хўжалигимиз мисолида кўриш мумкин.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЁНҒИН ЎЧИРИЛГАНИ ЙЎҚ

Нью Мексикада юзага келган ёнғин ҳамон ўчирилгани йўқ. Лекин Қизил дарё соҳилидаги маҳаллий аҳоли ўз уйларига қайтишга рухсат олди. Сешанба куни кечқурунга қадар Шимолий Мексика тоғларидаги ўрмонда юзага келган ёнғин 7,600 гектар ернинг кулини кўкка совурди. Расмий манбаларнинг хабар беришича, ёнғин Қизил дарё соҳилидан узоқда бўлганлиги сабабли маҳаллий аҳолига ўз турар жойларига қайтишга рухсат этилди.



СОЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛИШНИ БУЮРДИ

Хитой ҳукумати деҳқонларни ҳаддан ташқари юқори бўлган тўловлар ва солиқлардан озод қилишни буюрди. Марказий ҳукумат бир неча йиллар давомида қонунсиз тўловларга қарши курашда мағлуб бўлмоқда. 1993 йил деҳқонлар тарафидан оғир солиқларга қарши давлатнинг бир қанча вилоятларида кўтарилган исёнлардан сўнг деҳқонларнинг маҳаллий ҳукуматларга тўлов мажбурияти 5 фоиздан ошмаслиги кераклиги ҳақида буйруқ берилди.

2000 ЙИЛГА БОРИБ РОССИЯДА...

Россия Бош прокурорининг айтишича, Россиядаги жиноятчиларнинг сони 2000 йилгача икки баравардан ҳам ошади. Совет Иттифоқи тарқалганидан сўнг, Россия тобора ўсиб бораётган жиноятчиликдан азият чекмоқда. Расмий маълумотларга кўра, 1991 йилдан буён жиноятчилик бу ерда аллақачон икки баравардан ошган. Бош прокурор Юрий Скуратовнинг айтишича, ўтган йили полиция маҳкамаларига 2,7 миллион жиноятчи олиб келинди. Ю. Скуратовнинг таъкидлашича, амалдаги жиноятчиларнинг сони аслида уч баробардан кўпроқ ва бу кўрсаткич 2000 йилга бориб яна 2,5 баробар ошади.

ҲАФТА ОХИРИГАЧА

Ҳиндистон сайловчилари сешанба куни эрталаб сайловнинг учинчи босқичида парламентнинг қуйи палатасига 543 та аъзо учун овоз бера бошлашди. Сешанба куни кечқурун сайлов участкаси ёпилишига қадар 600 нафар одам овоз бериши керак. Чоршанба куни берилган овозлар ҳисоб-китоб қилинади. Шанба куни эса сайлов якунлари яққол билиниши кутилмоқда.

АЛОҚА ХИЗМАТИ ХАРАЖАТЛАРИ

АҚШда алоқа хизмати муассасалари кам харажатли алоқа хизматини тўхтатишлари мумкин. Масалан, ёрлиқ (марка) сиз хатлар ўз эгаларига қайтарилганидек, етарлича тўловсиз хатлар ҳам ўз эгаларига қайтарилади.

ПРЕЗИДЕНТ МАСЛАҲАТИ

Клинтон талабаларга кашандаликни ташлашни маслаҳат бермоқда. У сешанба куни Нью Жерси коллежига сигарет чекишни ташлаш тўғрисида хабар юборди. Гарчи бу огоҳлантиришга эътиборсизлик қонунни бузиш бўлса-да, баъзи бир талабалар унга парвосизлик билан қарамоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕННИС МАМЛАКАТИ БЎЛАДИ

ҲАР КИМКИ ТЕННИСНИ ҲАВАС ҚИЛИБДИ, ЗАВҚУ СИҲАТГА БУТКУЛ ЕТИБДИ



Рўзи ҲИКМАТУЛЛОЕВ, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси раиси:

— Инсон ҳаётида қувончли кунлар кўп бўлади. Мен учун шундай кун «Ҳавас»да ғолиб чиққаним бўлди. Бу кунни унутиб бўладими, ахир. «Ҳавас»ни ташкил этган юртбошимиз, қолаверса, шу мусобақа ташкилотчиларига миннатдорчилик билдираман. Мусобақа қатнашчилари учун барча шароитлар муҳайё. Мамлакатимизда теннис равнақ топаётгани эса «Ҳавас» мусобақаси кунлари кўриниб турди. Ниятим, келажагимиз бўлган ёшлар орасидан ҳам машҳур теннисчилар чиқиб, мустақил Ўзбекистонимиз номини оламга ёйсин, дейман.

Жаҳон миқёсида спортнинг энг севимли турларидан ҳисобланган теннис юртимизда палак ёза бошлади. Юртбошимиз ташаббуси билан жаҳоний маданият тимсоли ҳисобланган теннисни мамлакатимизда ривожлантириш оммавийлигини таъминлаш йўлида дадил қадам ташланмоқда. Қатор йиллардан бери ўтказилиб келинаётган «Буюк Ипак йўли» — сателлит, «Челленжер» «Президент кубоги» учун халқаро мусобақалар бундан буён мустаҳкам пойдеворга эга бўлади. Боиси, биринчи марта ташкил этилган теннисга ихлосмандларнинг «Ҳавас» мусобақаси, рўйи-рост айтиш жоизки, ўзига хос шов-шувга сабаб бўлиб, таассуротларга бой воқеага айланди.

Халқимизда ота ҳунарини эгаллаган ёки ота изидан борган кам бўлмас деган гап бор. Шу жиҳатдан қараганда ҳар бир вилоят ҳокими ёки вазирлар ҳам раъият билан мунтазам мулоқотда бўлувчи, яъни жойлардаги эл оталари десак муболаға бўлмайди. Энди ўйлаб кўрайлик, республиканинг турли лавозимдаги раҳбар ходимлари теннисга ҳавас қилиб қизғиш майдонга тушгандан кейин бундай ҳаракатнинг хосиятли эканини ҳар ким ҳам онгли равишда тушунишга ҳаракат қилиши табиий. Сирасини айтганда, «Ҳавас» мусобақасида иштирок этиш учун пойтахтимизга ташриф буюрган меҳмонлару мезбонлар ўртасида теннис ўйнаш бўйича эндигина тажриба орттираётган ва айни пайтда малакали ўйинчилар ҳам бор эди.

Мусобақада қарийб 60 нафар теннисчи яхши ниятда кичик тўпни қўлга олди. Лекин, ҳаммаси майдонда аён бўлади, деганларидек ўйиндан-ўйинга кучлилар сараланиб имкониятни бой берганлар сафдан чиқишга мажбур бўлдилар. Шу тариқа бош совринга даъвогар ҳисобланган тўрт жуфтлик, яъни саккиз теннисчининг номи аниқланди. Бу дегани, «Динамо» теннис ўйингоҳида мусобақани бошлаганлар орасидан омадлилари сараланиб, улар ўртасида чорак финал ўйинлари бўлишидан дарак берарди. Бу учрашувлар эса аввал хабар қилганимиздек, «Юнусобод» теннис кошонасида ўтказилди.

Байрамона безатилган, карнай-сурнайлар овози келиб турган бу кўркам гўша тенниссеварлар билан гавжумлашди. Икки майдончада жуфтликларнинг ўзаро баҳслари бошланди. Мухлисларни Ш. Мирзиёев — Р. Шоабдураҳмонов, Р. Иноятов — Р. Ҳикматуллоев, К. Қобилов — Ш. Каримов ҳамда Р. Файзуллаев — М. Усмоновлар учрашувида кимларнинг устун келиб, ярим финалга чиқиши кўпроқ қизиқтирарди.

Майдончаларда қизғин баҳслар давом этаркан, мухлисларнинг олқишлари аро шарҳловчининг эълонлари қулоққа чалиниб турди. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рустам Шоабдураҳмонов, «Тошкентшаҳарйўловчитранс» уюшмаси раиси Рўзи Ҳикматуллоев, республика соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов ва Республика Бош вазирининг ўринбосари Мираброр Усмонов ярим финалга чиқиб курашни давом эттиришлари маълум бўлди.

Асосий майдончада Р. Шоабдураҳмонов билан М. Усмонов ўзаро рўбарў бўлишди. Қўшни майдончада эса Ш. Каримов билан Р. Ҳикматуллоев баҳслашдилар. Кўриниб турибдики, кимнинг омади чопса ҳал қилувчи баҳсга йўлланма олади. Шу боисдан тажрибали М. Усмонов билан ёш ва иқтидорли Р. Шоабдураҳмонов учрашуви анчагина муросасиз баҳсга айланди. Зеро, ҳоким ўринбосарининг устунлиги сезилиб турди ва оқибатда 6:2 ҳисобида муваффақият қозонди. Бу орада Ш. Каримов билан Р. Ҳикматуллоев учрашуви ҳам якунланганлиги эълон қилинди. Ўйин 6:0 ҳисобида Р. Ҳикматуллоев фойдасига ҳал бўлган эди.

Бироз танаффусдан кейин бош соврин учун якунловчи учрашув ўтказилди. Майдонга Р. Шоабдураҳмонов билан Р. Ҳикматуллоев тушдилар. Узаро қизғин кураш кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Бу гал Рустам Шоабдураҳмонов қанчалик уринмасин, рақибининг аниқ ва шиддатли тўп оширишларига чап беролмади. Вақт ўтган сайин Р. Ҳикматуллоевнинг қўли баланд экани намоён бўла бошлади. Ниҳоят, ишқибозлар қарсаклари остида Р. Шоабдураҳмонов рақибини муносиб ғалаба билан чин дилдан табриклади. Шундай қилиб, биринчи марта ўтказилган «Ҳавас» теннис мусобақасининг ғолиби маълум бўлди.

Бош соврин эгаси мусобақага пухта тайёргарлик билан келганини амалда кўрсатди. Кетма-кет учрашувлар бўлишига қарамай, чарчашни унутиб, сабр ва иродасини ишга солиб жисмоний ва руҳий имкониятлардан расамади билан фойдаланишга ҳаракат қилди. Рўзи Ҳикматуллоев дастлабки ғалабани Тошкент вилояти котибияти мудири Л. Аббосхоновни мағлубиятга учратишдан бошлаган эди. Кейин «Узқишлоқхўжаликтаъминотинвестқурилиш» корпорацияси раиси Тўлқин Жабборовни, сўнг республика ижтимоий-таъминот вазири Баҳодир Умурзоқов билан учрашувда зафар қучган эди. «Ҳавас» мусобақасига холис ниятда келган

(Давоми 4-бетда).

И. А. КАРИМОВ:

«Спорт — ўзбек халқига қадимий анъана. Ўзбекистонимизда юзлаб халқ миллий спорт ўйинлари билан бир қаторда замонавий спорт турлари ҳам ривож топаяпти. «Соғлом танда —соғ ақл», дейдилар... мақсадимиз— ҳар томонлама камол топган, етук соғлом авлодни тарбиялашдир... Соғлом авлодни эса спортсиз тасаввур этиб бўлмайди. Спорт — спорт учун эмас, у, энг аввало, одамлар учун, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан комил инсонлар этиб тарбиялаш учун, Ер юзидаги барча кишиларнинг тинчлик осойишталиги дўстлик ва ҳамкорлиги, бахтсаодати учун хизмат қилиши даркор».



Мираброр УСМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари:

— «Ҳавас»ни бундай тантанали ўтади, деб ўйламаган эдим. Лекин аксинча бўлиб чиқди. Иштирокчию томошабинлар хурсанд бўлишди. Айниқса, финал учрашувлари менда катта таассурот қолдирди. Эндиги умидимиз ёшлардан. Эртамиз, спортимиз, келажагимиз улар қўлида.





Шавкат КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири:

— Қимматли вақтларини аямай турниримизда иштирок этган ҳар бир кишига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Учрашувлар яхши ўтди. Лекин холис баҳони томошабин ва мухлислар беришади. Келажакда эса янада қизиқарли ўйинлар ташкил этиш ниятимиз бор.



Рустам ШОАБДУРАҲМОНОВ, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари:

— Мусобақанинг қоидаси шундай: кимдир ютади, кимдир ютқазади. Саралаш ўйинларидан бошлаб, финалгача етиб келганим мен учун бахт. Финалдаги рақибим эса ҳақиқатан ҳам тажрибали ва маҳоратли ўйинчи экан. Буни тан олишим керак. Ким теннис билан кўпроқ шуғулланган бўлса, нияти ҳосил бўлди. Иккинчи ўринни олган бўлсам-да, ўзимни ғолиб, деб ҳис қиляпман. Томошабинлар олқишига сазовор бўлдим. Келгуси мусобақаларда ғолиб бўлишга ҳаракат қиламан.







Рустам ИНОЯТОВ, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси:

— Теннис ўйнай бошлаганимга бир неча йил бўлди. Туғри, ғолиб чиқолмадим. Лекин ҳар бир учрашувни кўтаринки руҳда ўтказдим-ов.

«Ҳавас» туфайли ҳар бир иштирокчининг, қолаверса, барча кичик тўп ихлосмандларининг дилига бир умр муҳрланиб қолиши шубҳасиз. Бундай баҳс нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон мамлакатлари ўртасида ҳам биринчи марта ташкил этилди.







Равшан ФАЙЗУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари:

— Келажак бугундан бошланади, дейдилар. Бундан бир неча йиллар олдин теннис ҳақида ўйламас эдим. Лекин қисқа муддатларда спортнинг бошқа турлари каби теннисни ҳам оммавийлаштириш борасида мактовга арзигулик ишлар қилинди. Теннисга қизиқувчилар учун юзлаб кортлар қурилди. Эндиги мақсадимиз битта, у ҳам бўлса, мамлакатимиз ёшларини унга жалб этиш.





Шавкат МИРЗИЁЕВ, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими:

— «Ҳавас» иштирокчиларининг асосий мақсадлари келажагимиз бўлган ёшларга ўрнак бўлишдир. Машҳур теннисчиларимиз етишиб чиқишига шубҳамиз йўқ. Ҳозирданоқ унга пойдевор қўйилган. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида теннис кортлари қурилмоқда. «Ҳавас»нинг Тошкентда ўтказилиши эса ҳаммани хурсанд этди.

Комилжон ҚОБИЛОВ, Жиззах вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари:

— Ҳақиқатни тан олиш керак. «Ҳавас»да ўйнаган вилоят иштирокчиларининг асосий қисми саралаш ўйинларидаёқ мағлубиятга учрашди. Теннис нафақат пойтахтда, балки, вилоятларда ҳам ривожланмоқда. Ҳа, теннисимиз жаҳонга юз тутади. Қишлоқларда кўплаб теннис ишқибозлари юзага келади. Фақат уларнинг бошини қовуштириб, шароит яратиб беришимиз зарур, деб биламан. «Ҳавас» эса шундай долзарб ишга туртки бўлди.

ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ КИМЛАРГА ТЕГДИ?

Мусобақа ойнаси

«Энг иродали ўйинчи учун» — Р. Иноятовга, «Халқ сўзи» газетасидан

«Энг яхши техник маҳорати учун» — М. Усмоновга, «Народное слово» газетасидан

«Энг тажрибали ўйинчи учун» — Ш. Каримовга, «Ўзбекистон овози» газетасидан

«Энг фаол теннисчига» — Б. Умурзоқовга, «Ўзбекистон овози» газетасидан

«Энг ёш ўйинчига» — Р. Шоабдураҳмоновга, «Правда Востока» газетасидан

«Энг абжир ўйинчига» — Р. Файзуллаевга, «Нурли Жол» газетасидан

«Энг адолатли ўйинчига» — К. Тўлагановга, «Адолат» газетасидан

«Энг камтар иштирокчига» — М. Шамсиевга, «Савдогар» газетасидан.

«Энг нафис ўйинчига» — Р. Аҳмедовга, «Мулкдор» газетасидан

«Томошабин меҳри тушган теннисчи» — А. Отабоевга, «Овози точик» газетасидан

«Энг санъаткорона ўйинчи учун» — Ш. Мирзиёевга, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидан

«Энг иқтидорли ўйинчига» — Р. Ҳикматуллоевга, «Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш компаниясидан

«Энг серғайрат ўйинчига» — К. Қобиловга, «Спорт» газетасидан

«Энг маърифатпарвар ўйинчига» — О. Пармоновга, «Маърифат» газетасидан

«Энг жонкуяр ўйинчига» — Ш. Жалиловга, «Тошкент оқшоми» газетасидан

БУНАҚАСИ ҲАЛИ БЎЛМАГАН

Мутахассис мулоҳазаси

Сирасини айтганда, биз спортнинг, хусусан тенниснинг мутасадди мутахассислари ўзаро маслаҳатлашиб «Ҳавас» мусобақасини ташкил этиш ҳақида ўйлаганимизда бутун мамлакатда бунчалик руҳ бағишлашини хаёлимизга ҳам келтирмаганмиз. Боиси, «Ҳавас»ни бошлаш ҳақидаги фикрни юртбошимиз ўртага ташладилар. Жиддий ўйлаб қарасак, теннисни ҳаммабоп ва севимли спорт турига айлантириш учун кенг имкониятлар юзага келиши барқ уриб турибди.

Мусобақани ўтказиш ташкилий қўмитаси аъзолигига теннис билан ошнолашган, унинг қадрига етадиган, танисиҳатлик учун муҳим восита эканини биладиган кишиларни жалб этишга интилдик.

Теннис федерациямизнинг президенти Шавкат Каримов ташкилий қўмитамизга раислик қиладиган бўлдилар. Шунингдек, З. Ҳайдаров, М. Усмонов, К. Тўлаганов, Ш. Мирзиёев, С. Қосимов, И. Чиженок, И. Барабан ва мен ташкилий-тадбирий ишларни бошлаб юбордик. Бир қарашда бу воқеа кутилмаганда бошлангандек туюлади. Ҳайтовур теннис жонкуярлари бор экан, ишлар юришиб 60 дан зиёд иштирокчи билан мусобақани ўтказдик. Баҳсларни қаерда, қандай тартибда ўтказиш, қатнашчиларга шарт-шароитлар яратиш ва уларни тақдирлаш масалаларига эътиборни қаратдик. Мусобақанинг тантанали очилиши ва ёпилиш маросимлари ҳам юқори савияда ташкил этилди. Энг муҳими «Ҳавас» баҳона миллионлар қалбида теннисга меҳр уйғотишга имкон топдик.

Республиканинг турли гўшаларидан ташриф буюрган юқори лавозимдаги раҳбарларнинг теннис майдончаларига кириб келишлари юртимизда теннис яқин йиллар ичида спортнинг энг оммавий турига айланишидан далолатдир. Бир сўз билан айтганда бу яқин йилларда спортнинг оммавийлик йўлида собитқадам ташлаш, ҳар бир хонадонга кичик тўп ўйнаш завқию шуурини олиб кириш бу даражада амалга оширилмаган эди. «Ҳавас» том маънодаги энг қизиқарли, ҳамма ошиқадиган мусобақалардан бирига айланиб қолишига шубҳа йўқ.

Ю. ДАШЕВСКИЙ,
«Ҳавас» теннис мусобақаси бош ҳаками.

ҲАР КИМКИ ТЕННИСНИ ҲАВАС ҚИЛИБДИ, ЗАВҚУ СИҲАТГА БУТКУЛ ЕТИБДИ

(Давоми. Боши 3-бетда).

ихлосманд бу уйинчи шу тариқа муродига етди.

Куп утмай кучли саккизликдан урин олган теннисчилару фахрли уринларни эгаллаган уйинчилар майдонда саф тортишди. Ғолибларни шарафлаш маросими бошланди. Узбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, республика теннис федерациясининг президенти Ш. Каримов йиғилганларни бошланган хайрли иш билан муборакбод этиб, эришилган муваффақиятлар билан табриклади. Сунг, мусобақа бош ҳаками Г. Дашевский бош совринни мусобақа ғолиби Рузи Ҳикматуллоевга тантанали суратда топширди. Р. Шоабдураҳмоновга иккинчи мукофот насиб этди. Ш. Каримов билан М. Усмоновлар эса учинчи совриндор бўлишди. Мусобақанинг кучли теннисчиларига республика оммавий ахборот воситалари таҳририяти томонидан ташкил этилган эсдалик совғалари ҳам тақдим этилди. «Узбекистон овози» газетаси таъсис этган эсдалик совини республика соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримовга берилди. Газетамизнинг иккинчи мукофоти эса республика ижтимоий-таъминот вазири Баҳодир Умурзоқовга берилди. Ҳар иккала совриндоримиз ўзларини «Энг тажрибали уйинчи», «Энг фаол теннисчи» деб эътироф этилганликларидан мамнуният изҳор этдилар.

Мусобақанинг тантанали ёпилишида ҳозир бўлган швейцариялик тадбиркор, юртимизда халқаро теннисни ривожлантиришга асос солган Сасон Какшури ҳам ўз таассуротларини баён қилиб, мамлакатимизда кичик тўп уйинига давлат аҳамиятига молик иш деб қаралаётганидан, келажакда жаҳон майдонларида маҳорат кўрсатишга қодир йигит-қизларимиз камол топиши мумкинлигига умид билдирди.

Шундай қилиб, илк марта ташкил этилган ва анъанавий равишда ўтказилиши мўлжалланаётган «Ҳавас» мусобақаси якунланди. Зеро, бу мусобақанинг таассуротлари минглаб кишилар хотирасида муҳрланди, десак янглишмаймиз.

















Қўш саҳифа материалларини Ҳайдар НОСИРОВ, Абдумалик ҲАЙДАРОВ ва Муҳаммад АМИН (суратлар) тайёрлашди.

БОШЛОВЧИЛАР УЧУН ЭСЛАТМА





Ўйинолди машқи 5 дақиқа давом этади.





МУСОБАҚА ИШТИРОКЧИЛАРИ

ҚАРИЙБ БИР ЙИЛДАН БЕРИ ШУҒУЛЛАНАЁТГАНЛАР ГУРУҲИ

1. У. Аширбеков — Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси.
2. С. Авазметов — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси.
3. А. Аметов — Нукус шаҳар ҳокими.
4. Ғ. Обидов — Андижон вилояти ҳокими.
5. Ш. Иброҳимов — Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари.
6. М. Қаюмов — Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари.
7. М. Раҳмонов — Бухоро вилояти ҳокими.
8. К. Камолов — Бухоро шаҳар ҳокими.
9. Ж. Ҳакимов — Когон шаҳар ҳокими.
10. А. Тошканбоев — Жиззах вилояти ҳокими.
11. К. Қобилов — Жиззах вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари.
12. О. Пармонов — Қашқадарё вилояти ҳокими.
13. А. Пардаев — Жиззах вилоят ҳокими ўринбосари.
14. Ш. Бегматов — Қарши шаҳар ҳокими.
15. Ҳ. Ғаффоров — Навоий вилояти ҳокими.
16. О. Бозоров — Наманган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари.
17. И. Нажмиддинов — Наманган вилоят ҳокими ўринбосари.
18. А. Мардиев — Самарқанд вилояти ҳокими.
19. Э. Маматқулов — Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосари.
20. Э. Рузиев — Тошкент вилояти ҳокими.
21. Р. Файзуллаев — Тошкент шаҳар ҳокими биринчи ўринбосари.
22. И. Юсупов — Хоразм вилояти ҳокими.
23. Э. Абзалов — Қашқадарё вилоят ҳокими ўринбосари.
24. Ғ. Ҳасанов — Сирдарё вилояти ҳокими.
25. К. Тўлаганов — Тошкент шаҳар ҳокими.
26. Ж. Норалиев — Сурхондарё вилояти ҳокими.
27. Р. Аҳмедов — Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири.
28. Т. Орипов — Республика Вазирлар Маҳкамаси қошидаги олий аттестация қўмитаси раиси.
29. А. Норматов — «Ўзнефтгазқазиш» бирлашмаси бош директори.
30. Т. Раҳимов — Республика алоқа вазири.

БИР ЙИЛДАН БЕШ ЙИЛГАЧА ШУҒУЛЛАНАЁТГАНЛАР ГУРУҲИ

1. Б. Ҳамдамов — Навоий шаҳар ҳокими.
2. М. Шамсиев — Навоий тумани ҳокими.
3. Т. Раҳимов — Сирдарё вилоят ҳокими ўринбосари.
4. А. Абдуллаев — Гулистон шаҳар ҳокими.
5. Л. Аббосхонов — Тошкент вилояти ҳокимлиги котибияти бўлим мудири.
6. Р. Шоабдураҳмонов — Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари.
7. М. Исломов — Фарғона вилояти ҳокими.
8. Ҳ. Ҳайдаров — Фарғона вилоят ҳокими ўринбосари.
9. А. Отабоев — Фарғона шаҳар ҳокими.
10. Б. Бобожонов — Хоразм вилоят ҳокими ўринбосари.
11. Р. Султонов — Урганч шаҳар ҳокими.
12. Н. Норпўлатов — Сурхондарё вилоят ҳокими биринчи ўринбосари.
13. С. Ҳасанов — Сариосиё тумани ҳокими.
14. Қ. Ҳаққулов — Республика Бош вазири ўринбосари.
15. Т. Жабборов — «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат кооператив қўмитаси раиси.
16. Т. Зокиров — «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси бошқаруви раиси.
17. А. Комилов — республика ташқи ишлар вазири.
18. Б. Умурзоқов — республика ижтимоий-таъминот вазири.
19. И. Рашидов — Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосари.
20. Ф. Ҳошимов — Сиёб тумани ҳокими ўринбосари.
21. В. Лозицкий — Тошкент вилоят ҳокими ўринбосари.
22. Ш. Мирзиёев — Мирзо Улуғбек тумани ҳокими.
23. Ю. Пайгин — «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси раиси.
24. С. Асриянц — «Ўздавлатстандарт» маркази бош директори.
25. Р. Иноятов — республика Миллий хавфсизлик хизмати раиси.
26. Ш. Каримов — Республика соғлиқни сақлаш вазири.
27. Ш. Жалилов — Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари.
28. М. Усмонов — республика Бош вазири ўринбосари.
29. О. Орипов — «Ўзсаноатфуқароқурилиш» корпорацияси бошқаруви раиси.
30. В. Товаровский — «Ўзбекнефтгазқурилиш» давлат акциядорлик жамияти бош директори.
31. Р. Ҳикматуллоев — «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси бошқаруви раиси.
32. Н. Юсупбеков — «Ўзхимпром» уюшмаси бошқаруви раиси.

ТАЙ-БРЕЙК УСУЛИ

12-очколик тай-брейк гейми

Ҳар бир сетда ҳисоб 6-6 бўлиб қолса тай-брейк геймидан фойдаланиш мумкин. Биринчи бўлиб етти очкони қўлга киритган ўйинчи гейм ва сетни ютади, лекин унинг устунлиги икки очкодан кам бўлмаслиги керак. Агар ҳисоб 6-6 бўлиб қолса, ўйин шу устунликка етгунча давом эттирилади. Тай-брейк гейм давомида фойдаланадиган ҳисоб 1,2,3,4 ва ҳоказо. Бир кишилик ўйинда: қайси ўйинчининг гали бўлса у биринчи очко учун тўпни оширади унинг рақиби иккинчи ва учинчи очко учун тўпни оширади ва бундан кейин ҳар бир ўйинчи навбат билан икки кейинги очко учун оширади, гейм ва сет ғолиби аниқлангунча.

Биринчи очкодан бошлаб ҳар ошириш ўнг ва чап кортдан галма-гал оширилади, ўнг кортдан бошлаб. Биринчи оширадиган биринчи очко учун тўпни ўнг кортдан оширади; иккинчи оширадиган иккинчи ва учинчи очко учун чап ва ўнг майдондан тегишлича оширади ва ҳоказо.

Ҳар олти очкодан ва брейк-гейм тугашидан кейин ўйинчилар томонларни алмаштиради. Тай-брейкда биринчи бўлиб оширган ўйинчи (ёки жуфт команда)кейинги сетнинг биринчи геймида оширишни қабул қилади.

9-очколик тай-брейк гейми

9-очколик тай-брейк гейми баъзан Ноу-Эд (устунликсиз) ҳисоб билан сетда фойдаланилади. Биринчи бўлиб беш очко ютадиган ўйинчи гейм ва сет ютади. Бу тай-брейк давомида сон ҳисоби (1,2,3 ва ҳоказо) фойдаланади.

Бир кишилик ўйинда қайси уйинчининг гали бўлса у биринчи очко учун ўнг ошириш майдончасига, иккинчи очко учун тўпни чап ошириш майдончасига оширади; рақиби учинчи ва тўртинчи очко учун ўнгга ва чапга ошириши керак. Ўйинчилар томонларни алмаштиради. Биринчи оширадиган бешинчи ва олтинчи очко учун ўнгга ва чапга оширади; рақиби еттинчи ва саккизинчи очко учун ўнгга ва чапга оширади. Агар ҳисоб 4-4 бўлиб қолса, иккинчи оширадиган тай-брейкда сўнгги очко учун ўнг ёки чап кортга оширади, рақиби қайсини танласа.

Жуфт ўйинда ҳар бир ўйинчи сет давомида кортнинг қайси тарафидан тўпни оширган бўлса худди шу тарафдан оширади. Ўйинчилар кейинги сетнинг биринчи геймида худди шундай томонда туришади ва тай-брейк геймида иккинчи оширган ўйинчи (ёки жуфт команда) энди биринчи бўлиб оширади.

ТЕННИС ЛУҒАТИ

Ace — паррон ошириш.
Ad — устунлик (қисқартирилган Эдвантидж).
All — баравар ҳисоб (15-15; 30-30).
Alley — жуфт ўйинда ишлатиладиган корт қисми.
Approach — сеткага чиқиш олдидан бериладиган зарба.
Backcourt — ошириш чизиғи ва орқа чизиғи ўртасидаги корт қисми.
Backhand — ўнақай ўйинчининг чап ёнида ва чапақай ўйинчининг ўнг ёнида урилган зарбани қайтариш.
Backspin — бураб урилган тўп.
Choke-up — ракеткани олдинда ушлаш.
Cross-court shot — кортни қиямасига кесиб юборилган тўп.
Deep shot — орқа чизиқ ёнига уриладиган тўп (ва шунингдек ошириш чизиғи ёнига).
Deuce — тенг.
Deuce court — кортнинг ўнг томони.
Double fault — иккала ошириш ҳам хато.
Doubles — жуфт ўйин.
Down-the-line shot — ён чизиқ бўйлаб ва унга яқин юборилган тўп.
Drop shot — сеткага яқин тушадиган тўп.
Fault — оширилган тўп майдонга тушмаган.
Fifteen — ўн беш, биринчи ютилган очко.
Flat shot — тўп тўғри чизиқ бўйлаб кичкина ёй ва кичкина айланиш билан учиши.
Foot fault — ошириш пайтида орқа чизиққа босиш.
Forecourt — ошириш чизиғи ва сетка ўртасидаги майдонча.
Forehand — ўнақай ўйинчининг ўнг ёнида чапақай ўйинчининг чап ёнида урилган тўпни қайтариш учун зарба.
Forty — 40 (уч очко ютган ўйинчи).
Game — гейм; бир ўйинчи ёки команда тўрт очко, ёки тенг ҳисобдан сўнг икки очко кетма-кет ютса.
Good ball — тўғри тўп.
Ground strokes — ерга урилган тўпга зарба бериш.
Half-volley — тўп ерга тушиши билан зарба бериш.
Let — сетка. Ўйинга киритилган тўп сеткага тегиб керакли майдончага тушса, тўп ўйинга янгидан киритилади.
Lob — тўпни баланд кўтариб, одатда сетка ёнида турадиган ўйинчининг бош устидан уриш.
Lob volley — рақибнинг бош устидан учалиган воллей уриши.
Out — тўп корт чегараланган чизиқлардан ёки ўйинга киритган тўп керакли майдончанинг чизиғидан ташқари чиқса.
Love — О, очко йўқ.
Net game — олдинги корт, сетка ёнидаги ўйин.
No-ad — геймда ҳисоблаш усул.
Overhead — бош устидан ракетка билан бериладиган зарба.
Poach — жуфт ўйинда, одатда сетка ёнида, шериги урадиган тўпни уриш.
Point — очко.
Rally — ўйинчилар томонидан кетма-кет яхши бериладиган зарба.
Receiver — оширишни қабул қиладиган ўйинчи.
Serve — ошириш.
Server — оширадиган ўйинчи.
Service breake — оширувчининг рақиби томонидан ютилган гейм.
Set — ҳисоб белгиси; олти ёки ортиқ гейм ютган ва икки гейм устунликка эга бўлган ўйинчи сет ютади.
Shot — тўпни зарба билан рақиб майдонига йўналтириш.
Singles — икки ўйинчи ўртасидаги ўйин.
Smash — бош устидан кучли зарба уриш.
Spin — тўп айланиши.
Stroke — тўпни ракетка билан уриш ҳаракати.
Tie-breake game — ҳисоб 6:6 бўлганда сетни ҳал қилишда фойдаланадиган усул.
Thirty — 30, ўйинчи икки очко ютгандаги ҳисоб.
Topspin — тўпни пастдан юқорига зарба бериш сабабли унинг олдинга айланиши.
Tournament — турнир, расмий мусобақа.
Volley — тўпни ерга теккизмасдан уриш.

БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ

Шавкат КАРИМОВ, республика теннис федерациясининг президенти:



— Юртимизда чин маънодаги теннис байрами нишонланди, десам бўлар. Боиси, мусобақа кунлари ҳаммамиз кўтаринки руҳ ва кайфиятни ҳис этдик. Ўзим ҳам, мусобақа иштирокчилари ҳам саломатликнинг қадрига етиш аввал эканини сездик, чоғи. Қушиқда бежиз куйланмайдику: «Соғлигинг қадрига ет, то хаста бўлмасдан бурун», деб. Умуман, «Ҳавас» мусобақасининг ташкил этилишини маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеалар сирасига киритса бўлади. Чунки гап ютиш ёки бой беришда эмас, балки майдонга тушиб сарғиш тўпни қўлга олишда. Албатта мен бир неча йиллардан бери теннис ўйнаб келаман. Тажрибам ҳам дурустгина. Зеро, шунчаки ўйнаш бошқа, мусобақалашиш бошқа. Бўлмаса, учрашувларни ёмон бошламадим. Дастлабки учрашувда рақиб топилмагани учун учинчи босқичга тўғридан-тўғри ўтдим. Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари Ҳошимжон Ҳайдаровни енгиб, сўнг Навоий туман ҳокими Мардон Шамсиевдан устун келдим. Шу тариқа совринли ўринларга даъвогарлар сафидан жой олдим. Ярим финалга чиқиш учун Жиззах вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Комилжон Қобиловни енгдим. Аммо, финалга чиқиш осон бўлмади. Чунки, Рузи Ҳикматуллоев ёш ва қобилиятли теннисчилардан экани ҳаммага маълум.

Севимли газетамиз «Узбекистон овози» таъсис этган мукофотни менга насиб этганидан мамнунман. Уйлайманки, бу соврин менга ҳамиша «Ҳавас»ни эслатиб туради. Қизиғи шундаки, совриннинг антиқасини танлабсизлар. Бу хонадонимга бир олам қувонч олиб киргусидир.

Сўз — «Ўзбекистон овози» совриндорларига

ҲАМИША ЭСЛАТИБ ТУРАДИ

Баҳодир УМУРЗОҚОВ, республика ижтимоий таъминот вазири:



— «Ҳавас»нинг бошланганини, унинг хайрли саодати ҳақида қанча гапирсак шунча оз. Ҳақиқатан ҳам теннис халқаро майдонда энг оммавий спорт турларидан саналади. Ривожланган мамлакатларда теннисни касб қилиб олганлар ўз йўлига-ю, саломатлигини тиклаш йўлида кичик тўпга ошуфта бўлганларнинг сон-саноғи йўқ деса бўлади.

Мусобақада иштирок этиш менга севинч бағишлади. Хайрли тадбир арафасида машқларга зўр бердим. Совринли ўринлардан бирига талабгорлик қилишим ҳам мумкин эди. Учрашувларни ҳам ёмон бошламадим. А.Комиловни мағлубиятга учратиб, яна бир ғалаба билан учинчи учрашувга тайёрланиб турганимда ҳолатим шифокорлар талабига мос келмай қолди чоғи, ўйиндан чиқаришди. Начора, шунақаси ҳам бўлиб туради. Муҳими, «Ҳавас» мусобақасида қатнашиб туриб: «Қани энди вазирликка қарашли минглаб нафақахўрлар ҳам теннисга ихлос қўйишса», деган хаёлга бордим. Албатта, ўйиндан чиқиб томошабинлар қатори кузатувчилик қилиб турганимда мени ҳам қуруқ қўйишмади. «Ўзбекистон овози» газетаси таъсис этган соврин «Энг фаол теннисчи» деб номлангани менга маъқул келди. Эсдалик совғаси эса ҳамиша «Ҳавас»ни эслатиб туради.

СИЗДЕК ФАРЗАНДЛАРГА ШАРАФДИР ПЕША, СИЗГА МАНГУЛИКНИНГ ХУШ ТАРОНАСИ.

СИЗДЕК ЎҒЛОНЛАРНИ ЁДЛАР ҲАМИША МУНИС ЎЗБЕКИСТОН—МАРДЛАР ОНАСИ.

БИЗЛАР КЎРДИК, БОЛАЛАРИМИЗ КЎРМАСИН!

Мен урушнинг биринчи кунидан то Ғалаба тонги оттунга қадар — 1945 йилнинг 9 май кунигача ҳаракатдаги армия сафларида бўлганман. Иккинчи жаҳон урушининг қора кунлари шунча вақт ўтгандан кейин ҳам кўз олдимдан кетмайди. Ҳатто бир йил олдин Москвада ўтказилган фахрий ғолиблар парадида ҳам халқимиз берган қурбонлар хаёлимдан нари кетмади. Бугун ҳам ўша парад қатнашчиси деб ёзилган ва бош қўмондон, армия генерали Говоров қўл қўйган 182-рақамли гувоҳномага назар ташлаганимда ҳаёт-мамот жангларининг оловли лаҳзалари гавдалангандай бўлади. Не бахтки, тақдир экан, Яратган бизни шу кунларга етказди...

Мен бундан 55 йил муқаддам 1941 йилнинг 23 июнидаги Болтиқбўйи мамлакати — Литва—Германия чегарасидаги ҳаяжонли тонгни эслайман. Дивизиямиз Литванинг чегара шаҳри — Кретингада турарди. Орқамизда Мемель дарёси. Унинг нариги бетидаги Клайпеда шаҳрида немислар жойлашган. Уларнинг хатти-ҳаракати, бесаранжомлигини сезиб, кузатиб турардик. Шунинг учун ҳам командирларимиз, сиёсий раҳбар ходимларимиз бизни ҳар доим ҳушёрлик, сезгирликка даъват этишарди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Тонг саҳарида аравачали унлаб мотоцикларни тариллатиб, бошига каска кийиб олган немис разведкачилари гуруҳи бизнинг ҳудудимизда пайдо бўлиши билан отишмалар бошланиб кетди. Кейин биз жанг билан Шауляй, Гельшай, Лиепая, Рига шаҳарлари орқали Псковгача чекинишга мажбур бўлганмиз.

Урушнинг биринчи кунларидаги хотирамни ана шундан бошладим. Оловли йилларнинг жанглари тугашига саноқли кунлар қолган, Ғалаба тонги яқинлашгандаги яна бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди.

Ғарбий фронтда — Москва остоналарини ҳимоя қилишда, Духовшина шаҳрини ишғол қилишда (Смоленск йўналишида) мислсиз қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатилганлиги учун Духовшина номини ва гвардиячи деган Фахрли унвонни олган 91-сонли ўқчи дивизиямиз Ғарбий Пруссиянинг Кенисберг (ҳозирги Калининград), Инстинбург (ҳозирги Черняховский) шаҳарларини ишғол қилгандан сўнг Фишхаузен (ҳозирги Приморск), Пиллау (ҳозирги Балтийск), Гермау йўналишида ҳаракат қиларди. Гермауда қаттиқ жанг бўлди. Урушнинг тугашига саноқли кунлар қолганди. Жанговар сафларда баҳор нафаси ва Болтиқ денгизининг шабадаси, Ғалаба тонги ёришаётганлиги сезилиб турарди. 39-армиянинг асосий кучларидан анчагина олдинга кетиб қолган дивизиямиз командири Василий Кожанов эгаллаган жойимизда тўхтаб, орқадаги кучларни йиғиб олиш ва шу баҳона жангчиларга бироз дам беришга қарор қилди. Шу вақт жон талвасасига тушган фашистлар ҳар томондан мўрмалаҳдай ёпирилиб, денгизда уларни кутиб турган махсус музёрар кемаларига жон-жаҳдлари билан ҳаракат қила бошлашди. Бу ерда улар бизга нисбатан икки-уч баравар кўп эдилар. Натижада биз асосий кучларимиздан узилиб, қуршовда қолдик. Дивизиямиз командири ва штаб ҳужжатларини олиб кетиш учун бизга махсус «ТУ-2» самолёти юборилди. Бироқ полковник В. Кожанов самолётга оғир ярадор бўлганларни жойлаб, ўзи биз билан қолди... Жангчиларимиз душман билан олишиб, ўлимларни доғда қолдириб, қуршовдан омон-эсон чиқишга интилиб, олга юришарди. Ниҳоят қуршовдан чиқиб олдик.

Душманни тор-мор қилгандан сўнг дивизиямиз ўз командири генерал-майор В. Кожанов бошчилигида Ғарбдан Шарққа йўл олди...

Қуролдош дўстларим билан алоқамни узганим йўқ. Урушда босиб ўтган йўли шон-шуҳратларга бой 91-гвардиячи дивизиямизнинг фахрийлар кенгаши раиси, шу дивизиянинг собиқ командири истеъфодаги генерал В. Кожанов раислигида Великие Луки ва Москва шаҳарларида ўтказилган учрашув-кенгашларда қатнашдим.

Ҳар қайси байрамнинг ўзига хос руҳи, ўзига хос таъсири бўлади. Аммо бугунги кун кўзда ёш билан нишонланади. «Бу байрамни нишонлар эканмиз, — деган эди Президентимиз Ислом Каримов, — ер юзини фашизм балосидан озод қилган, ўзларининг фидойилиги билан бугунги ҳаётимизни, беғубор осмонимизни сақлаган оталаримиз, акаларимизнинг жасоратини фахр билан эслаймиз, уларга тасаннолар айтамиз.

Жанг майдонларида ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг руҳи покларини доимо хотирамизда сақлаш, сафимизда ҳаёт юрган мўътабар фахрийларимизни ҳар томонлама эъзозлаш-барчамизнинг инсоний бурчимиз, қиёмат қарзимиз бўлмоғи керак».

Ҳа, дўстлар, у кунларни биз кўрдик, болаларимиз кўрмасин!

Зиёд ЕСЕНБОЕВ,
«Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири.

ЖАНГЧИ-АКАДЕМИК



Убай ака Орифов ҳаёт бўлганида 86 ёшга тўларди. Бу ажойиб инсоннинг етук олимлиги, Ўзбекистонда фан ривожига қўшган ҳиссаси, Фанлар академиясининг президенти даражасигача кўтарилганлиги, жамоат ва давлат арбоби сифатидаги фаолияти ҳақида эмас, Иккинчи жаҳон урушининг жанг майдонларидаги хизматини эсламоқчиман.

Мен Убай ака билан 1943 йилнинг май ойидан октябрь ойигача бир полкда жангларда қатнашганман. Орел-Курск ёйидаги энг даҳшатли жангларда ёнма-ён турганман. Унинг олимлик фаолиятини кўпчилик билса ҳам урушда қатнашганлигини билмасликлари мумкин. Ўзим 1940 йилдан армияда бўлиб, фашистлар мамлакатга бостириб кирганда Моршанск шаҳрида эдим. Аввал Смоленск мудофаасида қатнашдим. Оғир жанглар, чекинишлар... 1942 йил охирида биз ҳарбий техника олиб, Москва яқинидаги Загорск шаҳрига келдик. Худди шу ерда Убай ака билан танишдим: штаб офицерлари орасида бир лейтенант кўзимга оловдек кўринди. Мен ҳарбий қоидага риоя қилиб, у билан гаплашишга ижозат сўрадим. У киши Тошкентдан эканликларини, Москва мудофаасида қатнашгани, ҳозир телефон-радио алоқалари бўйича командир эканликларини айтдилар. Бир куни «САУ-122» радио қурилмасининг тузилиши ва ишлаши мавзуида суҳбат бўлади. Уни гвардиячи лейтенант У. Орифов ўтказади», — деган эълон осилди. Дала шароитига мосланган ёзги клубга ҳамма офицерлар, жумладан, полк командири полковник И. Пудимов ҳам келдилар. Радиостанциянинг тузилиши, ишлашига оид бир неча қўлланмалар осилган эди. Убай ака рус тилида машғулот ўтказиб, ҳаммани қойил қолдирдилар.

1943 йилнинг июнь ойида фронтга жўнадик.

Жанг кунлари Убай акани 3-4 кунлаб кўрмасдим. Кейин қучоқлашиб кўришардик, тирик қолганимизга шукроналар айтардик. Паловни хуш кўрардилар. Қийин шароитда ош дамлардилар. Қуритилган сабзи-пиёз, зиравор бўларди. Аёллари посилкада юборарди. Мен гўшт билан таъминлардим.

1944 йилнинг бошларида Убай ака фронтдан Москвага чақириб олинди. Кейинчалик билсам. Ўзбекистонда Фанлар академияси тузилиши, Қори Ниёзий домланинг ташаббуси ва ҳаракатлари билан фронтдаги ўзбек олимлари орқага қайтарилган экан. Убай ака Тошкентга келиб гидрометеореология соҳасидаги ҳарбийлашган қисмда хизмат қилган ва илмий ишларини давом эттирган. 1946 йил кандидатлик диссертациясини ёқлаган. Мен полкдош, қуролдош сифатида у кишидан инсоний фазилатларни ўрганганман.

У кишига мустақиллик кунлари насиб этмади. Бироқ унинг илмий кашфиётлари, эзгулик йўлидаги саховати барҳаётлигидан нишона. Дўстлари, қуролдошлари қалбида Убай ака Орифов абадий яшайди.

Исомиддин ЭРБЎТАЕВ,
уруши ногирони.

МАНГУЛИККА

Уз ота-онанг ёки энг яқин одамларинг ҳақида ёзиш қанчалар ёқимли бўлса, айни чоғда шунчалар машаққатли ҳам экан. Ёзув столим устида бир тахлам оқ қоғозу олти кишининг мангуликка битилган тасвири. Суратнинг орқа томонига «26/IV.43. Орлов область, Ст. Рождество» деб ёзилган. Суратдагиларнинг ўнгдан биринчиси менинг отам. Қолганлари эса сафдошлари. Улардан икки кишини онам яхши танийдилар. Чап томондан: сочи жингалак, кулиб турган қиз Зифо Шамсуддинова, унинг ёнидагиси эса Умрзоқов экан. Зифо ҳали жуда ёш бўлиб, фронтга кўнгилли бўлиб кетган («Қизил Армия» фронт газетаси редакциясида машинистка-котиба экан).

Суратга тикилиб, хаёл сураман. Ўша машъум даҳшатли тунда уларнинг қайси бирларининг гулдек умри хазон бўлди экан?! Балки ушбу суратдагилардан кимлардир ҳаётдир, эҳтимол, уларни таниган-билганлар бордир?! Отам вафот этганларида еттинчи синф ўқувчиси эдим. Улар ҳикояларининг баъзилари қулоғимга чалачулпа кирган. Лекин кейинроқ бу воқеани онам батафсил сўзлаб берган эдилар.

Отам хизмат қилган 1-Белоруссия фронти ихтиёридаги «Қизил Армия» газетаси редакцияси ўрмон ичкарисида беш-олти вагонга жойлашган бўлиб, улар иш жойи ва босмахона, ётоқхона ҳамда ошхона вазифасини ўтар экан.

Қоп-қоронғу ўрмон. Қирқ учинчи йилнинг ўн олтинчи октябрь туни. Уч кунлик кетма-кет навбатчиликдан бўшаган катта сержант Солиҳ Абдукаримов шу газетанинг муҳаррири Жалолхон Азизхонов олдига кириб:

— Вақт алламаҳал бўлиб қолди, дам олсангиз бўларди, ўртоқ командир, — деди.

— Сиз бораверинг, мен бироз ишлаб, сўнг ётаман.

БИТИЛГАН

Вагонларнинг ҳар икки томонида навбатчи соқчилар. Жанг бораётган олдинги жабҳалардан ҳориб-толиб қайтган жангчи мухбирлар, редакциянинг бошқа ходимлари дам олишмоқда. Бир замон душман самолётининг чинқириқ товуши қулоқларни кар қилаёзди. Даҳшатли портлашдан бутун замин ларзага келди. Одамлар ўзларини вагонлардан ташқарига отдилар. Олдинги икки вагон аланга олиб ёнар эди. Ҳамма соғ одам ўзини ўт ичига урди, ёнаётганларни, ярадорларни вагонлардан ташқарига олиб чиқа бошладилар. Фашист самолёти ташлаган бомба олдинги икки вагон ўртасига тушган, бу вагонлар тамоман ўт ичида қолган эди.

Қандайдир куч ишлаб ўтирган Азизхоновни вагон деразасидан ташқарига улоқтирган, у ўзини билмай ётар эди. Шу вақт яна фашист самолётининг чинқириғи эшитилди. Одамлар ўзларини панага урдилар. Самолёт ёнаётган вагонлар тепасидан учиб, ҳеч қандай ўқ ўзмай қайтиб кетди. Ўрмонни аччиқ тутун, ярадорларнинг оҳ-нолалари тутган эди. Тонг саҳарда бу даҳшатли манзара яққол намоён бўлди. Фақат ҳалок бўлганларнинг ўзи ўн саккиз киши. Кўпчилик, жумладан Азизхонов ҳам қаттиқ ярадор бўлган, у дам ҳушини йўқотар, дам ўзига келиб «Зебо, Зебо қани», деб алаҳларди. Ўн саккиз жангчи, эндигина ўн тўққиз баҳорни кўрган, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, ҳаётнинг умри ҳам шу ерда тугади. (Ҳозир Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги катта кўчалардан бири Зифо Шамсуддинова номи билан

ТАСВИР

аталади). Отамнинг» қабр тепасида икки калима Қуръон тиловат қилиб, шаҳидларнинг руҳларига бахшида этган эдим», деган гаплари сал-пал эсимда. 1942 йил 23 июлда «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясида ишлаб турган вақтида Қизил Армия сафига чақирилган. 1945 йил октябрь ойида Қизил Армия сафидан қайтгач, декабрь ойидан бошлаб Ўзбекистон ССР адабиёт ва наширёт ишлари Бош бошқармасида меҳнат фаолиятини давом эттириб, умрининг охирига қадар (1955 йил 22 декабрь) самарали ишлади.

Афсуски, отамнинг фронтдан ёзган хатлари сақланиб қолмаган. Балки уруш ва урушдан кейинги йилларда, баҳорда далага кўчиш, кузда шаҳарга кўчиб тушиш сингари «кўч-кўчлар»да йўқолиб кетгандир.

Суръат АБДУКАРИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

ТЕРМИЗЛИК «ПОЛКОВНИК»

Унинг бу дунёдан ўтганига оз эмас, кўп эмас 26 йил бўлди. Лекин 70-80 ни қоралаб қолганлар ҳалиям Сотволди акани кўп эслайди. Чунки...

Айтишларича, у киши уч йил танкчилар қисмида хизмат қилган экан. Қонли талотўмнинг энг даҳшатли нуқталарини кўрган ва давраларда бу ҳақда гап бўлса, унсизгина чиқиб кетаркан. Яна бир қизиқ жойи, фронтдан келганида оддий аскар унвонида қайтган одамни негадир ёр-жўралари кўча-кўйда кўриб қолса, «полковник» деб чақиришаркан. Охири ҳамма ўрганиб кетибди. Ҳатто бирор киши бехосдан отини айтиб чақирса «ҳа, бу занғар эшитмаган шекилли» дея ўксиниб ҳам қўяркан. Шу-шу бутун Термиз аҳли Сотволди ака деса елка қисиб, «полковник» дейишса бирдан танишар экан.

МАМАСАЙЙИД ОТАНИНГ ҲИКОЯСИ:

— Сотволди ака ғаройиб, ҳазилкаш одам эди. Кўнглида озгина хижиллик бўлса бирдан тарқатиб юборарди. 1945 йили қайтиб келди. Тўққиз жойидан яраланган экан. Лекин ҳеч сездирмасди. Мен қизиқсиниб доим шу ҳақда сўрардим. У киши бўлса «ке, қўй сўрама, нима қиласан мени яна эзиб» деб қўл силкирди ва куйиниб «э, уч йил қандай ўтди билмайман, у ёқда жаҳаннамни кўриб келдим. Дўзахдан тирик қайтдим, одамнинг тутдай тўкилганини шу ёқда кўрдим, энди худо асрасин, дуо қилинглар, ҳеч қачон уруш бўлмасин», дерди раҳматлик. Кўпинча Сталинградда бўлган даҳшатли қирғинлар ҳақида алам билан хотирларди. Кейин аламидан ичардиям. Қайфияти кўтарилса йиғлаб оларди.

«Полковник» ҳақида хотиралар кўп экан. Термиздаги 1-касалхона бош ҳакими Тўрақул Бердиевнинг бир гапи ҳали-ҳали юрагимга ҳаяжон солади: «Яхши ном қолдириш учун катта мансаб ё унвон шарт эмаслигини Сотволди ака билан бирга ишлаб англаб етганман». Бир инсон тақдирига бундан бошқачароқ таъриф шарт эмас.

Тўғри, «полковник» дан урушда олган уч-тўрт орден-медалдан бўлак бойлик қолмади. Лекин бу дунёда энг катта давлат ҳисобланмиш бир этак фарзандлари бугун эл назарида. Шулардан уч нафари дўхтир, қолганлари муаллим, шофёр, тижоратчи. Яна икки ўғли... уларни ҳеч ким Сотволди ака болалар уйидан олиб келиб тарбиялаганини деярли билмайди. Кўплар «полковник» бу дунёда жаннати бўлди. Чунки катта урушни кўриб келиб, сурхонликларнинг сўнгсиз дуоларига қолди деб юришади.

Дарвоқе, уруш кўрганлар шундай бўларкан-да. Тирикликнинг, ёруғ кунларнинг қадрига етмоқни улар бизга ўргатиб кетаётир. Шу ўринда термизлик «полковник» ҳам ҳаётлигида бу ҳақиқатни исботлаб кетди.

Жавҳар ҚОДИР ўғли.

«ҒАЛАБА» ЎЙЛАНМАСИ



Азиз муштарий! Аввало қуйидаги ҳикматлардан рақамларда яширинган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг. Сўнг жавоблар шакл марказидаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ечинг. Шунда юртбошимизнинг айтган эзгу истакларидан бири аён бўлади.

1. Амир Темур: Адоват эмас — 14,10,4,17,14,7 енгади.
2. Алишер Навоий:
Эрур қушга хушроқ, чу боқсанг 14,11,3.
Муроса қафасдин тикан ошъён.
3. Паҳлавон Маҳмуд:
Енгил ўтсин десанг 16,8 кунингни сен,
Қарам қилма ўзни бировга 14,15,14,10.
4. Пошшохўжа Абдуваҳобхўжа ўғли:
Раиятни тадбир ила ром қил,
Адолат-ла ҳар ерда ором қил,
Раиятга адл қилсанг маош,
Кам бўлмас сахо 5,6,9,12,14,5,2 ичра ош.
5. Ҳамид Олимжон:
Эрк севган эл 7,14,5,17,2,1 бўлмас ҳеч қачон.
6. Ўзбек халқ мақолидан:
Юрти тинчнинг эли 7,2,3,13.

Қуйида таърифланган сўзларни шаклдаги катакларга белгиланган йўналиш бўйича ёзиш билан ўйланмани топинг.

Ёйлар бўйича: 1. Давлатлараро тинч-тотувлик ҳақидаги ўзаро келишув. 2. Ҳарбий қўшин тури. 3. Сайл ва тантаналарда отилиб, кўрк берувчи, ранг-баранг ёнувчи модда. 4. Иброҳим Раҳим романи. 5. Абдулла Қаҳҳорнинг уруш йиллари ёзган ҳикояси қаҳрамони. 6. Тинчлик, дўстлик тарғиботчиси, атоқли ҳинд адиби. 7. Қўшинларнинг тантанали юриши. 8. Инсонлар ҳаёти учун заруратда ўз қонини берувчи киши. 9. Шуҳратнинг «Олтин зангламас» романи қаҳрамони. 10. Ҳарбий унвон. 11. Қуролли кучлар ўғлони. 12. Ғалабани таъминлашда муҳим ўрин эгаллаган саркарда.

Рақамли хонадан соат мили бўйича: 13. Ўзбек генералларидан бири. 14. Ғафур Ғуломнинг уруш йиллари ёзган шеъри. 15. Қаҳрамон ўзбек жангчиларидан бири. 16. Ўзбекистон Республикасининг олий нишони. 17. Уруш йиллари бунёд этилган металлургия корхонаси. 18. Ғалабадан сўнг уч давлат бошлиқлари учрашган шаҳар. 19 Фарғоналик қаҳрамон жангчилардан бири. 20. Қаттиқ бардош, сабот чидам. 21. Жангда дарёни кечган тошкентлик қаҳрамон. 22. Ҳарбий арбоб, генерал майор. 23. Ногирон бўлишига қарамай штанга кўтаришда республика рекордини ўрнатган жангчи. 24. Сайрамлик қаҳрамон.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

Уруш кўрган ва фронт ортида хизмат қилган аёлларга

Мен ўлмайман, онажон!

(Ҳикоя)

Эсонали ўзи туғилган уйдан бош олиб чиқиб кетганида тўққиз яшар бола эди. Фотима хола ўғлининг қаерга кетганидан бехабар. Йиғлади, сиқтади. Бефойда. Чунки... ўзининг ҳам айби борда. Уни ўгай ота тазйиқидан ҳимоя қилолмади. Узича излади, йўқлади. Топилмади. Фарзанд доғида ўртаниб, қадди букилди, лекин барибир бир куни Эсоналиси кулиб кириб келадигандай туюлаверди.

Ўшанда ўзиданам ўтди. Эрни боладан афзал деб билдими ё қўни-қўшнидан истиҳола қилдими, хуллас, кўзи кеч очилди. Яратганга тавалло қилди, тўнғич боласини паноҳида асрашини ўтиниб сўради. Орадан олти йил ўтди. Фотима келинбуви яна ўғил кўрди. Аммо катта фарзанднинг ўрни бошқача экан. Чақалоққа термулади-ю, бирдан Эсонали эсига тушади.

Кунлар, ойлар, йиллар дарёдай оқиб кетди. Кутилмаганда уруш бошланди. Холанинг иккинчи эри тўсатдан оғир хасталикдан вафот қилди. Буям дард устига чипқон бўлди. Ҳамқишлоқлари олдида ўзини гуноҳкордай сезар, руҳан эзилар, фарзанд доғида куярди.

«Агар ўғлим уйда бўлганида ўн тўққизга кирарди, юзимни ёритиб, эл қатори урушга кетарди» деб ўйларди у. Онаизор бу кўргуликлар аламини меҳнатдан олар, тонгни ҳам, шомни ҳам далада қаршиларди. У гўдак ўғлини ёнига олиб, бошқаларга қараганда кўпроқ ишлашга, бу билан ўз виждони олдида покланишга интиларди.

«Шу меҳнатимизгина эл олдида юзимизни ёруғ қилади, болам» дея у билан катталардек дардлашар, жавдираган нигоҳларига боқиб, йиғласа йиғлар, кулса куларди.

Ҳамқишлоқлари ҳам холанинг дил ярасини тирнамаслик учун кўришиб қолишса оиласи ҳақида гапиришмасди. Қишлоқда ҳали у уйдан, ҳали бу уйдан аламли йиғи товуши чиқса, унинг ҳам юраги эзиларди. Шунда «бу лаънати урушнинг оти ўчсин, мен ўз боламни тириклай ўлдирганман, ҳатто урушга кетиб «қора хат» олганимда ҳам фарёдим ошкора бўларди-я» дерди. Минг азоблар ичра кечган тўрт йил ҳам ўтди. Омон-омон замон келди. «Ғалаба» деган сўзнинг нақадар ширинлигини ўшанда сезди.

Дарвоқе, Эсонали қайга кетди дерсиз? У ҳамма нарсага қўл силтади. Балки ўша куни... Бола кўнгли исён қилди. Аввал аравада, кейин паровозда узоқ юрди. Ўгай ота уни оташкурак билан уриб, манглайини ёрмаганда, уйиниям, онасиниям ташлаб кетмасмиди?

Катта шаҳар. Ит эгасини танимайди. На ётишда, на туришда, на ейишда тайин бор. Дунёда инсофли одамлар ҳам кўп экан. Бир куни кўча боласини йўловчи одам гапга солди. Ранг кўр, ҳол сўр деганларидек, сезди шекилли, болалар уйига олиб келди. Меҳрибонлик кўрсатиб, ювиб-тарашди, қорнини тўйдиришди. Сўнг «Ота-онанг борми?» дея сўрашди. У ерга қараб «етимман» деб ёлғон гапирди. Умрида биринчи марта алдади. Шу-шу Эсонали болалар уйида қолиб кетди.

Унинг тушига тез-тез онаси, қадрдон қишлоғи, катта қайрағоч кириб турарди. Ана шундай дамларда уйига кетиб қолгиси келарди. Ўгай отасини эсласа... Яна қўл силтарди. Вақт — ҳар қандай дарднинг малҳами. Ёш мурғак қалб ўтмиш оғирликларини унута борди. Лекин гоҳо онасини эсласа...

Кўнглида ёруғ ниятлар улғаяр, ўқишни «аъло»га битириб, институтга кираман. Кейин қишлоққа бораман. Ўшанда ҳамма ҳавас қилади менга, дея куну тун ширин орзулар оғушида яшарди. Ниҳоят, мактабни тугатиб, тракторчиликка ўқиди. Лекин орзулари ушалмади. Уруш бошланди. Унгаям чақирув қоғози келди. Нима қилсин? Икки ўт орасида қолди. Фронтга жўнашга бир неча кун бор. Қишлоғига бориб ўн йил дийдорига тўймаган онасининг меҳрига қониб, оқ фотиҳа олиб қайтсинми? «Онам мени танирмикан?» деган дилгир хаёллар юрагини тирнар, «Йўқ, йўқ, яхшиси, онамнинг бағрига урушдан кейин бутунлай қайтаман!» дея қарор қилди ва жўнаб кетди...

«Мен ўлмай қайтишим керак!» деган ният унга куч-қувват бағишлар, ҳар гал жангга кирганда «Онажон, ўлмай қайтаман!» дея такрор-такрор дилига тугарди.

Сўнгги — Берлин кўчаларидаги жангда унинг танкига снаряд тегиб, қаттиқ портлаш юз берди. Бир неча тонналик «пўлат от» гўё осмонга сапчиб кетгандай туюлди. Эсонали ҳеч нарсани кўрмай, эшитмай, қипқизил олов ичида қолди. Шу лаҳзаларда у ўзи учун муқаддас сўзларни яна бир бор қайтаришга улгурди: «Мен ўлмайман, онажон!».

... Дориломон кунлар келди. Мўъжазгина станцияда йўловчилар гавжум. Ҳамма қаёққадир шошади. Биров кетяпти, биров келяпти. Бекатда поезд тўхтади. Вагондан тушган қоматдор аскар йигит кўпчиликнинг эътиборини тортди. Бундайларнинг ҳар куни қанчасини кутиб оладиган вокзал хизматчилари ҳам ундан кўз узолмасди. Келишган қадди-қомати, чапанича қўндирган пилоткаси, яп-янги гимнастёркаси, оёғидаги хром этиги унга жуда ярашиб турарди. Айниқса, кўкрагини тўлдириб турган орден ва медаллари... бу йигитга янада салобат бағишлаб турарди.

Аскар вокзал майдонини кузатди. Сўнг сафар халтасини кўтариб, от қўшилган арава томон юрди. Анчадан бери бу ҳарбийни завқ билан томоша қилиб турган аравакашлар унга ҳайиқиброқ юзланишди.

— Йўл бўлсин, сизга?

— Ўқчига, — деди у ҳазин овозда тутила-тутила.

Арава катта кўчада бир текис юриб борар, аскар чор атрофга олазарак бўлиб қарар, ўткинчилар эса унинг кимлигини билмоқчидай ортидан тикилиб қолишарди.

— Танидингми? — деди ўспиринлардан бири иккинчисига шивирлаб.

— Йўқ, сен-чи? — деди униси.

— Ўқчида бундай йигитни ҳеч кўрмаганман. Бирортаникига келяптимикин-ё?

— Унисини билмадим-у, лекин қаҳрамонлиги шундоққина кўриниб турибди, — деди йигитга ҳавас билан қараб.

Кетаверишди. Аскар чурқ этмади. Аравакашлар унга ҳам ҳайрат, ҳам ҳавас билан ўғринча қараб-қараб қўйишарди.

Катта йўлдан Ўқчи томон бурилишди. Узоқдан катта қайрағоч кўринди. Йигитдаги хотиржамлик ўрнини ички бир энтикиш, ҳаяжон эгаллади. У йўлнинг икки четидаги гувалалик уйларга диққат билан тикилар, теварак-атрофга алангларди. Ундаги бу ўзгаришни йигитчалар ҳам дарров сезишди. Арава шу қўйи қишлоқ оралаб бир чақиримча юрди. Нотаниш аскар қайси хонадонга қувонч олиб келаркин деб қизиқувчи томошаталаблар ҳам арава кетидан эргашишди.

Охири аскар тўсатдан болаларга тўхташга ишора қилди. Орқадан келаётганлар ҳам қотиб қолишди. У сакраб тушдида, елкасига халтасини илди. У ёғ-бу ёғини тўғрилаган бўлдида, ҳаммани ҳайрон қолдириб, Фотима келинбуининг пахса деворлари нураб тушган ҳовлиси томон юрди. Одамлар ҳам унга эргашиб, кутилмаган бу воқеанинг нима билан тугашини тоқатсизланиб кутардилар.

Бегона ҳовлига дабдурустдан бостириб кирганларидан хижолат бўлган бир-иккита ёши катталар ичкарига қараб чақиришди:

— Ҳой, Фотима келинбу, меҳмон келди, чиқиб қаранг!

Ичкаридан кўриниши ёшига нисбатан улуғроқ, сочларига қиров қўнган аёл ёнида ўн ёшлар чамасидаги бола билан чиқиб келди. Чиқди-ю, ҳовли тўла одамни кўриб... қотиб қолди. Аскар халтасини ерга қўйди. Ҳамманинг нафаси ичида. Фотима келинбу кутилмаган меҳмонни кимгадир ўхшатди. Аскар эса жон-жаҳди билан бир нималар деб ғудранди. Гапига ҳеч ким тушунмади. Унинг кўзларида ёш йилтиллади. Қани энди бу тил қурғур бир калима сўзни шу лаҳзада айта қолса-ю ҳаммаси ойдек равшан бўларди-қўярди.

Онанинг кўнгли сезди. Аскар томон қадам ташлашга мажолсиздек, икки қўлини олдинга — аскарга чўзди. Сўнг унга тикилганча тошдек қотди. Аскар қалтираётган ўнг қўли билан ўнг қоши устидаги қора чизиқ-чандиқни кўрсаттанда Фотима келинбу «Эсонали!» дея бақириб йиғлаб юборди...

Қодиржон ҚАЮМОВ.

ЮРТ СОҒИНЧИ

Маманосир Тошпўлатов инсонийликни қадрлайдиганлардан. Учкўприк тумани, Палахон қишлоғидан ҳарбийга отланган йигит 352-ўқчи дивизиясинининг 1158-полк таркибида жангга кирганда, айни баҳор эди. Олмониянинг бир неча шаҳарларини озод қилишда қатнашди. Ғалабага бир кун қолганда, 7 майдан 8 майга ўтар кечаси Люббен шаҳри учун жангларда яраланди. У Ғалабани касалхонада қаршилади.

— Урушдан кейин биз анча вақт Олмонияда бўлдик, — ҳикоя қилади Маманосир Тошпўлатов. — Дивизиямиз Олмониядан Венгриянинг Сегер шаҳригача 1200 километрлик масофани пиёда босиб ўтиб, уруш асоратларини бартараф этишда кўмаклашди. Кейин мени Переславль—Залесск шаҳридаги авиация мутахассислари мактабига ўқишга юборишди. Мелитополь ва Керч шаҳарларида авиатор сифатида хизмат қилдим.

У ҳамиша она юрт соғинчи, тупроғимиз ҳидини туйиш, ёру дўстлар дийдорига туйиш туйғуси билан яшади. Урушдан кейин Учкўприк тумани жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига раислик қилди. Собиқ Ленинград ҳамда Бувайда туманлари бирлашгач, Маманосир туман партия қўмитасининг умумий бўлимида 23 йил мудир бўлди.

Уруш кўрган ўғлон Иззатхон ая билан беш фарзандни тарбиялади. Маманосир ака Тошпўлатов бир умр ҳалол яшади, одамларга яхшилик қилишни ўзига бурч деб билди. Ҳар баҳор Ғалаба куни хонадони тўйхонага айланади. Фарзандлар, неваралари жам бўладилар. Бу сафар улар фахриянинг етмиш баҳорини нишонлайдилар. «Истиқлолга етганимдан мамнунман, — дейди у, — урушни биз кўрдик, сизларга кўрсатмасин. Душман ўқига чап бериб, шу кунларга етганимга шукрлар айтаман».

Назира СОДИҚОВА.

Журналнинг янги сони

«САОДАТ»

«Саодат» ўзининг навбатдаги сонини яхши ниятлар, тилаклар билан бошлайди. Аёл кутган сўз, аёл соғинган сўз. Аёлга ҳамроз сўз, опа-сингил, дўст сўз — бир жумла билан ифодалаганда, журналнинг мундарижаси — шу.

Бош муҳаррир имзоси билан чоп этилган «Умидлар фасли» мақоласи сиз яшаётган баҳорнинг кўнгилдан ўтиб, муҳаббатдан сув ичиб, умидлардан нурланган суврати.

Ўз қалби, ўз дунёсига садоқатли шоира Хосият Бобомуродованинг «Муҳаббатнома» деб номланган янги рукн остидаги туркум шеърлари шижоатдан куч олган шеърлардир.

Буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бахшида сифатида чоп этилган «Куч — адолатдадур» номли мақола шу фикримизни далиллайди. Бу мақола, айниқса, тарих фанидан сабоқ берадиган муаллимлар эҳтиёжи, заруратидир. Журнал «Шарқнинг кўрки — Самарқанд», «Муқаддас зиёратгоҳ»лар, «Абдулқодир Алавий ким эди?», «Чилтор чертаётган аёл» каби мақолаларида кўпроқ тарих ихлосмандларининг ташналигини қондиришни ўйлаган бўлса, «Баҳорни севган шоира», «Ёлғизлик», «Дилим, садақа бўл, ҳақ хатларига», каби мақола, ҳикоя, шеърий туркумларида адабиёт мухлисларини ўйлаган. Айниқса, аёл қалбини назму насрда кашф этган нозик таъб шоирамиз Саида Зуннунованинг таваллудига 70 йил тўлиши муносабати билан шоира Мукаррама Мурод қизининг устоз ҳақидаги хотиралари, севимли адибамизнинг кишини ўйга толдирадиган, фикрлашга, ўзини таҳлил қилишга ундайдиган ҳикоялари журнал мазмунини тўлдирган. Йигитларнинг аёлларга меҳр изҳорлари «Бизга аталган кун» рукнида шоир Абдумажид Азимнинг янги шеърлари чоп этилган. Шарқ дунёсининг улуғ алломаларидан бири Фариддин Атторнинг «Тазкиратул-авлиё» асаридан қилинган таржималарда эзгулик ранглари қуюқ, ёруғ толалар ҳароратли...

«Ростонбуви нима дейди?» рукнидаги «Иримлар, удумлар, пандномалар» ёки «Балогардон тошлар» номли яна бир мақола, «Бармоқлардаги нуқталар ҳикмати», «Либос ҳам ҳусн», «Ёғ доғлашни биласизми?», «Кўклам таомлари» каби материалларнинг мундарижасини сарлавҳаси айтиб турибди.

«Саодат»нинг янги сонидаги «Тадбиркорлик калити», «Қайда ўзи ўша бахт?», «Замонга боқ», «Давр, қалб, қиёфа», «Кайфият» каби рукн ва мақолалар ана шу саволга бир қадар жавоб беради. Шунингдек, журналда «Ёр-ёр»лар, «Салом»лар айтиб, тўйга завқ киритишни ният қилганларга, ёшларга оид саҳифалар ҳам бор. Хуллас, «Саодат»нинг яна бир сони ҳузурингизга йўл олди: кўзларингиз, кўнгилларингизда меҳр тутсангиз, кутсангиз...

Қутлибека РАҲИМБОЕВА.

Гиёҳвандлик — иллат

АСР ВАБОСИГА ҚАРШИ

Дунё бўйича XX аср вабоси сифатида тан олинган гиёҳвандлик соғлом муҳитни ташвишга солувчи, баркамол турмуш, рўзғор, боринги жамиятнинг тансиҳатлигига раҳна урувчи оғриқ муаммолардан биридир. Бу қора иллат олдини олишнинг ягона йўли унга қарши ҳамиша кураш олиб бормоқ ҳисобланади. Инсон ҳаётига зомин бўлмиш бу оғулар асосан транспорт воситалари орқали бошқа жумҳуриятнинг фуқаролари томонидан олиб келинаётганлиги жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли Транспорт ички ишлар бошқармасининг гиёҳвандликка қарши кураш бўлими бошлиғи, милиция майори Тальат САТТОРОВ келтирган фактлар эса республикамиз транспорт милициясида шунга қарши доимий иш олиб борилаётганлигининг далилидир.



—Дарҳақиқат, ҳар қандай жамият ўзининг соғлом, баркамол фуқаролари-ю, комил инсонлари, бардам авлодлари ила тетик ва қудратли. Бироқ, жамиятнинг саломатлигига зарар келтирадиган иллатлар, шу жумладан гиёҳвандлик фуқароларни ҳам, жамиятни ҳам ташвишга солмай иложи йўқ, — дейди Т. Сатторов. — Айтадиган бўлсак, мамлакатимизга гиёҳвандлик моддалари кўпинча темир йўл поездларининг йўловчилари орқали олиб келинмоқда. Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Россия фуқаролари аксарият ҳолларда ана шундай моддаларни элтувчилар бўлиб чиқмоқда. Олти-етти ой ичида ходимларимиз томонидан 315 кг. қорадори, 54 кг. марихуана, 40 кг. наша, 1 кг. героин, жами 500 кг.га яқин гиёҳвандлик моддалари мусодара қилинди.

— Асосан қайси поезд ёки бекатларда гиёҳванд моддаларни элтаётган йўловчиларни қўпроқ учратиш мумкин?

— Бундай пайтда республикамиз орқали Россияга юрадиган поездларни, Сариосиё, Андижон, Қўқон бекатларини айтмоқчи бўламан. Бу бекатлар авваламбор гавжумлиги, қолаверса, ўша ерда темир йўл милициясининг фаолияти яхши йўлга қўйилганидан далолат. Энди бир-иккита мисоллар ҳам келтирсам. Наманган шоҳбекатидан «Андижон-Москва» поездида кетаётган Чеченистон фуқароси Луиза Мудованинг юклари текширилганда унинг чамадонидан 15 кг. қорадори чиқди. У Наманган шаҳрида истиқомат қиладиган холаси Малика Салтихонова билан «ҳамкорликни» йўлга қўйиб, Қирғизистоннинг Ўш шаҳрига борган. Шунча миқдордаги қорадорини сотиб олишган. Охир-оқибатда божхона хизматчилари ҳамда бизнинг ходимларимиз томонидан қўлга олинди.

Андижон шоҳбекатида эса «Андижон— Тошкент» поездига ўтирган Қирғизистон фуқароси Нина Петрованинг, 14 кило миқдорида қорадори олиб кетаётгани аниқланди. Бу ҳоким ҳам қонун олдида ўзига лойиқ жазога «сазовор» бўлди. Сариосиё бекатида «Душанбе—Москва» поездида кетаётган Тожикистон фуқароси Нелла Котцоева 2 килою 600 грамм қора дори билан, Самарқанд бекатида бўлса Олег Кодзаев сут солинадиган идишнинг ичида 600 грамм қора дори, 700 грамм наша олиб кетаётганда қўлга олинган. Бу кимсалар устидан жиноий иш қўзғатилиб, улар жавобгарликка тортилдилар. Ходимларимиздан катта оператив вакил, милиция капитани Шариф Султонов, кичик нозир Шуҳрат Асқаровларнинг бу соҳадаги зийраклигини алоҳида қайд қилиб ўтишни истардим.

Юқорида келтирилган рақамлар, далил ва мисоллар нимани кўрсатади? Гап шундаки, жиноятчи кимсалар гиёҳвандлик моддаларни олиб ўтишнинг турли, янгидан-янги йўлларини ишга солмоқдалар.Шунга яраша, биз ҳам, ходимларимиз ҳам ниҳоятда зийраклик билан иш олиб бормоғимиз лозим. Жамият учун ниҳоятда катта зарарли оқибатларга олиб келадиган гиёҳвандлик, бунга «ҳисса қўшаётган» шахслар йўлига кучли тўсиқлар қўймоқ, жиноятчиларни ўз вақтида фош этмоқ зиммамиздаги масъулиятли вазифа, фуқаролик бурчимиз. Шуларни ҳисобга олсак, бу ишнинг нечоғли муҳимлигини ўйласак агар, ҳаммаси янада равшанлашади. Бизнинг бош вазифамиз эса — соғлом, тетик жамият барпо этишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшмоқдан иборат.

Мунира АЗИМОВА суҳбатлашди.



Мутолаа. Т. ГОРЯЕВА олган сурат.

Таъзия

СИЗГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

Уни Зуҳра ая дейишади. Аянинг минглаб фарзанди, минглаб шогирди бор, десак хато бўлмас. Лекин кўксида қатор орден, медаллар йўқ. Катта-катта йиғинларда иштирок этиб, дабдабали сўзлар ҳам айта олган эмас. Аммо, у шундай ҳам фидокорона меҳнати, куйинчак қалби, изланишлари билан эл назарига тушган.

Инсон табиати қизиқ. Зуҳра опа мактабда ўқиб юрган кезларида «Менинг орзуим» мавзуида ёзган иншода бўғча опа бўлишни орзу қилиши баён этганди. Мактабни тугатиб, ўзи ният қилгандек боғчага ишга кирди. Ишлаб юриб сиртдан институтни ҳам тугатди. Шундан буён ўттиз йил ўтди. Ҳозирги кунда ўзи устоз. Бошланғич синфларга дарс беряпти.

Унинг ўзига хос бир одати бор. У ҳамиша ишга эрта келиб, ҳамма нарсани тайёрлаб, сўнг дарс бошлайди. Ўқувчиларини ҳам шунга одатланишга ундайди. Синфга кирсангиз баҳри-дилингиз очилади. Хонадаги ранг-баранг гуллар ҳамиша баҳорни эслатади. Деворлардаги Ўзбекистон герби, байроғи ва мадҳияси акс этган суратлар, опа ўзи тиккан чиройли дарпардалар синф раҳбарининг нозик дидидан дарак бериб туради.

«Беш фарзандим бор. Лекин 35 нафар ўқувчимнинг ҳар бирини ўз оиламнинг аъзоси деб ҳисоблайман, — дейди Зуҳра Яхшибоева. —Уларни ўз фарзандларимдек севаман. Ўқувчиларим мактабда фанлар бўйича ўтказиладиган олимпиадаларда етакчи ўринни эгалласалар, қувонаман, фахрланаман».

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 91-мактабда юздан ортиқ педагог меҳнат қилади. Маскан шаҳардаги энг намунали мактаблардан бири. Инглиз тилини чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган. Ўзбекистон мустақил бўлгач, бу мактабнинг кўпгина ўқувчилари Америкада таълим олиб келишди. Зуҳра опа мактабда ёлғиз эмас, бу ерда тажрибали, ўз ишига куйинчак муаллималар кўп.

Раъно ЗАРИПОВА, журналист.

ЖАҲОН БОЗОРИДАГИ «ТИРИК ТОВАРЛАР»

Бозорда ҳар ким ҳар хил маҳсулот билан савдо-сотиқ қиларди. Турфа хил маҳсулот: араб мебели, чех жамлама мебели, Бельгия пальтоси, Минҳаузенд «Лама» фирмасининг донгини айтмасаям бўлади. Шарқ шоколадлари, Европа пойабзаллари, яна ва яна...

Майли, қимматроқ. Вақти келиб ҳаммамиз буларни бемалол харид қилиш имкониятига ҳам эга бўлиб қолармиз. Мўл-кўлчиликка нима етсин! Лекин дунёда шундай бир бозор борки, ҳозирча у «ёпиқ» бозор. Бу бозордаям ҳамма нарса бор. Фақат «тирик» товарлар...

Яқинда тасодифан йўлим тушиб пойтахтимиздаги бозор ичидаги «ёпиқ» — ҳайвонот бозорига кириб қолдим. Турли балиқлар, итлар, мушуклар, маймун-у илонлар, «чиройли» сичқон-у, қуённи қўяверинг. Ҳатто биттаси шиша банкада бақага, яна бири «махсус қум барханидан» чўл бақасига жой қилиб берибди. Чўл бақасини оёғидан боғлаб «ушлаб» турибди. Хонадонингизда уларни бемалол боқишингиз мумкин. Бозорда айланиб юриб сотувчининг қўлидаги бир ҳайвонга кўзим тушди. Бунақасини ҳайвонот боғидаям кўрмагандим тўғриси. Нима бўлдийкин, қизиқиб сўрадим.

— Кўрмаяпсизми, мангус-ку?! — Зарда билан жавоб берди сотувчи.

— Ҳа-я, лекин ҳечам «тирик» мангусни кўрмагандим-да, — тан олдим сал ўнғайсизланиб. — Қаердан олгансиз?

— Чет элники! Оласизми ўзи? Бўлмасам, нари туринг, «мол»нинг олдини олиб, тўсиб турманг.

Олиш ниятим йўқ. Нари кетдим. Узоққа кетолмадим. Қайтдим. Йўқ, афсус, кимдир олиб кетибди. Сотувчи энди ўзимизнинг оддийгина орқа оёғида тикка туриб «харидор» чақираётган юмронқозиқни ола-кетинг деб қолди.

—Айтдим-ку, «импортний мол»нинг харидори кўп. Шуни ола кетинг. Пулингиз ўзингизда кетади. «Ташлаб» бераман, энди келганда қандай қилиб бўлсаям, буям «товар»ку, нимасига ҳайрон буласиз, тушунмадим.

Назаримда, юмронқозиқ толиқибми, мунғайиб қолгандек. Ахир у «харидор»гир эмас экан-да!

Ҳафсалам пир бўлиб бозордан чиқдим. Йўқ, барибир мангусни харид қилмоқчимасдим. Бошқа нарсадан дилим хира тортиб ўйланиб қолдим...

Дунё бозорига чиқдик, дунё бозори бизга кириб келди. Наҳотки дунё бозоридаги «тирик товарлар» ҳам кириб келаётган бўлса? Буям «бизнесга» айланган бўлса? Бизнинг «товар»лар дунё бозорига чиқиб кетмасинда, ишқилиб.

Рақамлар ошса, кўрсаткич кўтарилса — тараққиёт деймиз. «Гиннеснинг рекордлар китоби»да яна битта «рекорд» ўрнатилса, ҳаяжонланиб чапак чаламиз. Яхши. «Қизил китоб»да кўрсаткич ошсачи? Бу кўрсаткич асли йўқотиш. Табиат, ҳайвонот оламининг бизнес «манбаи»га айланишидир. Қанийди, «Қизил китоб»да бармоқ билан санарлигинаси қолса.

Европада, Америкада, умуман дунёда ҳайвонот оламига ўзгача ёндашадилар. Ҳайвонот оламига шафқатли, гўё онгли инсонга бўлгандек муносабатда бўлиш маданияти. Афсуски, шафқатсиз, бойликка ҳирс қўйган одамлар ер

Гаройиб дунё

юзининг исталган жойида топилади. Аслида ёвузлик шундай иллатки, на миллат, на ҳудуд, на мазҳаб танлайди. Ҳатто «юқаверадиям».

Дунёнинг турли жойларида, Европада ҳам ҳайвонот оламини —бизнесга айлантирмоқчи бўлган кимсалар бор-да. Данияни олайлик. Ўтган йили октябрда Оденсе ҳайвонот боғидан 3 та маймунни ўғирлаб кетишди. Икки маймун қочиб қайтиб келди. Биттасини эса «ёпиқ» бозорда пуллашаётганда харидор полицияга хабар бериб, тутиб олишди. Барибир яхши одамлар кўп. Бўлмаса ўша харидор индамай «арзон»лигига шубҳаланмай, балки суюниб харид қилиб кетаверишиям мумкин эди-ку? Дания бозорида шундай наслли маймун 25 минг крон (4,5 минг АҚШ долларига тенг) туради. Оддий даниялик бу пулни икки ой давлат солиғи тўламасдан ишласагина топиши мумкин. Барибир харидор бемалол топилади шундай нархгаям. Ольборг, Копенгаген, Виссенберг ҳайвонот боғидан эса тутиқушу, жажжигина тимсоҳча, қоплон боласи, насли «тоза» илон-у, балиқлар йўқолди. Ҳатто ёлғиз экспонат — кўргазма чаённи ҳам ўмариб кетишганди.

Данияликлар шошилинч чора кўришди: тунги навбатчилик, қоровул қўйилди. Шу пайтгача Данияда ҳайвонот боғига тунги қоровул қўйилишини одамлар ўзларига нисбатан ҳақоратдек қабул қилишаркан.

Саргузаштли ёки олди-қочди фильмларда кўрганмиз. «Таниқли», кўлга тушмас ёки уларнинг изидан қувгувчи «дедектив» — изтопарлар бор. Дунё бўйлаб «донг таратган» ҳайвон-бизнесчилар ҳам фаолият кўрсатади. Биз бу ҳақда камроқ эшитганмиз, холос. Европада 25 йилдан буён шундай «тирик товар» устасини «қувлашади». Афсус, у ҳалиям «ҳамкасблари» кўмагида қитъалараро «сакраб» юраркан.

Дания-Германия чегарасида чехиялик фуқаро «Шкода»сида ноқонуний йўл билан тропик-ҳашаротхўр ҳайвонларни олиб кетаётганда ушланди. У Австралия сари йўл олган экан. Унга 6 минг крон жарима солинди. Ҳайвонот оламини — «бизнеси» билан шуғулланувчи жиноятлар афсус, дунёга тарқаляпти. Ёввойи ҳайвонлар (териси учун) билан шуғулланувчи «бизнесмен»лар ҳам ортяпти.

Бутунжаҳон табиат ва ҳайвонот оламини муҳофаза этувчи — «Traffie» — халқаро жамияти иш олиб боради. «Вашингтон Конвенцияси» ёки «CLTES»дек 126 та мамлакат аъзосини бирлаштирган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳайвонот оламини ҳимоялашга ҳаракат қиляпти.

Наркобизнес дунё бўйлаб тарқалгани сир эмас. Ҳайвонот оламини бизнес қилиш ҳам шундай. Айтайлик, йўлбарс териси ёки фил суяги савдоси билан қайси мамлакатлар шуғулланишини яхши биламиз.

Африка фил суяги савдо маркази. 1980 йилларда 1.2 миллиондан ортиқ шундай «бизнесмен» бўлса, халқаро ташкилотлар аралашуви билан кейинги йилларда уларнинг сони 600 мингтага тушди. Лотин Америкасини олайлик. Бразилияда ҳар йили миллионлаб ёввойи ҳайвонларни «овлашяпти».

Яқин Шарқда эса қушлар бозори. Ҳозир Европа, Исландияда кўплаб шарқ бургутлари «учиб» юрибди.

Яна Европада ҳайвонот оламига бўлган «муносабат»га қайтайлик. Данияга қарашли кемада икки «ғалати» йўловчини пайқашди. Дарҳол кема навбатчи полициясини чақиришди. Икки исландиялик йўловчи «бургутфуруш» бўлиб чиқди. Бургут «арабистонлик» экан. У ўз «хўжа»сига қайтарилди. Хорижда ҳатто қушлар ҳам авлоддан-авлодга мерос қолдирилади. Бугунги кунда ҳайвонот оламига ҳеч биримиз бефарқ эмасмиз. Кўнгиллилар жуда кўп. Англиянинг ўзида 700 минг нафар кўнгиллилар қушларни муҳофаза этади.

Fuglemarked— данияча «Қушлар бозори».

Майли, қушлар бозори кўпайсин. Уйимизда сайроқи қушлар чуғури эшитилса қандай яхши! Нағмасини чалаверсин.

Тунда чигиртканинг чириллаши ёки бақанинг шовқини-чи? Эшитганмиз. Баъзан уларнинг шовқин-«алла»сига қулоқ осиб уйқуга кетганмиз. Бу тирик мавжудотлар инсон билан табиат олами орасидаги «оралиқ» асли. Табиат, ҳайвонот, инсоният олами бир-бирига узвий боғлиқку.

Оппоқ тонг отар-отмас, шафақ бўзармасданоқ қушлар чуғур-чуғурини тинглаганмиз. Улар инсонга хушкайфият тилаб сайрайди.

Дунёда бозорлар кўп. Кўпайсин. Ҳозирча бизда «тирик товарлар»га унчалик эҳтиёж йўқ чамамда.

Саида ЙЎЛДОШЕВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

1996 йилга ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўқиш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

АСПИРАНТУРАГА:
— машинасозлик ва машина қисмлари,
— енгил саноат машина ва агрегатлари,
— машина ва машина механизмлари назарияси,
— кимёвий толалар технологияси,
— материалшунослик (тўқимачилик),
— тўқимачилик ҳом ашёси,
— тўқимачилик материаллари технологияси,
— тикилган буюмлар технологияси,
— халқ хўжалиги, унинг тармоқ иқтисодиёти

ДОКТОРАНТУРАГА:
— тўқимачилик ҳом ашёларини қайта ишлаш.

Ҳужжатлар 1996 йил 1-октябргача қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил:
700100 Тошкент ш., Горбунов кўчаси-5, ТТЕСИ, Аспирантура бўлими.
Телефонлар: 53-66-34, 53-08-08.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ

SÜNDÜS

ҚЎШМА КОРХОНАСИ

бош ҳисобчи ва ҳисобчи лавозимларига танлов асосида тажрибали бухгалтерларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Туроб Тўла кўчаси, 55-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 45-62-50, 45-73-25.
Мўлжал: "Бешёғоч" бозори ёнида.

"ЭКОГЕОТ" фирмаси

пул ўтказиш йўли билан

Финляндиянинг **ВЕ-95** ва Қозоғистоннинг **А-76 ЮҚОРИ СИФАТЛИ БЕНЗИНИНИ** сотади, ёнилғини сақлаш ва қуйиш хизматларини ҳам кўрсатади.

Шунингдек, юк ва енгил автомобиллари учун кенг турдаги **АВТОШИНАЛАР ВА АККУМУЛЯТОРЛАР** мавжуд.



Шошилинг, нархлар 10-20 фоиз арзон!

Хусусий АЁҚШларини ҳамкорликка таклиф этамиз.

Манзил:
Тошкент, Пушкин кўчаси, 59.
"Средазцветмет" институти, 1-қават,
"Ҳамид Олимжон" метро бекати.

Телефонлар:
(3712) 68-56-41, 68-16-41 (соат 8.30дан 18.00гача)
36-00-45 (соат 8.30дан 18.00 гача)

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азамат ЗИЁ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслидди́н БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Салим АШУРОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 31847 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0242

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.10.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА